

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ ҚАДРЛАРНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**АГРОКИМЁ ВА  
АГРОТУПРОҚШУНОСЛИК  
йўналиши**

**АГРОКИМЁ ВА  
АГРОТУПРОҚШУНОСЛИКДА ЯНГИ  
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**Ўқув-услубий мажмуа**

**2019**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**АГРОКИМЁ ВА АГРОТУПРОҚШУНОСЛИК  
йўналиши**

**“АГРОКИМЁ ВА АГРОТУПРОҚШУНОСЛИКДА ЯНГИ  
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР”**

**модули бўйича**  
**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2019**

**Мазкур ўкув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 октябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўкув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** ТошДАУ: Н.Б.Раупова. биология фанлари номзоди, доцент

**Тақризчи:** P.A.Lamers. Бонн университети қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессори.

**Ўкув -услубий мажмуа ТошДАУ Кенгашининг 2019 йил  
даги \_\_\_-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУРИ .....	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	16
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛАР .....	19
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	63
V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....	64
VI. ГЛОССАРИЙ .....	76
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	81

## **I.ИШЧИ ДАСТУР**

### **Кириш**

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Ушбу дастур ривожланган давлатларининг тупроқ муҳофазасига оид адабиётлар, янги ГАТ технологияларидан фойдаланиб, чет эл мутахассислари билан ҳамкорликда тузилган бўлиб, маълумотлар базаси яратиш, GPS хизмати, тармоқли дастурлаш хизматидан фойдаланиш муаммолари баён этилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Агрокимё ва агротуроқшуносликда янги инновацион технологиялар” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини қишлоқ хўжалигидаги билимларини такомиллаштириш, фаннинг муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

**“Агрокимё ва агротуроқшуносликда янги инновацион технологиялар” модулининг вазифалари:**

- “Агрокимё ва агротупроқшунослик”да янги инновацион технологиялар. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда тупроқни ҳимояловчи инновацион технологиялар, жаҳон тажрибалари, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар.

- деградацияга учраган тупроқларда тупроқ муҳофазасини кучайтириш ва уларга қарши чора тадбирларни такомиллаштириш, суғориладиган ва лалми ерларнинг экологик, мелиоратив холатини баҳолаш;

- тингловчиларнинг агротупроқшуносликдаги муаммоларини таҳлил этиш, қўникма ва малакаларини шакллантириш;

- фан бўйича педагогик муаммоларни ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиши ва амалиётга тадбиқ этишга ўргатиш.

### **Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар:**

**“Агрокимё ва агротупроқшуносликда янги инновацион технологиялар”** модулини ўзлаштириш жараёнida амалга ошириладиган масалалар доирасида;

#### **Тингловчи:**

- агрокимё ва агротупроқшунослик йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларининг дидактик асослари;
- агрокимё ва агротупроқшунослик соҳасидаги сўнгги ютуқлари;
- агрокимё ва агротупроқшунослик йўналиши доирасидаги мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибалари ҳақида **билимга эга бўлиши лозим.**
- ArcGIS тизимида хариталар тузишда фойдаланиш;
- Эрозия, шўрланиш ва деградация жараёнларида JPS билан ишлаш
- тупроқ муҳофазасига оид маълумотлар базаси ва электрон дастурлардан фойдаланиш
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш **қўникма ва малакаларини эгаллаши зарур.**
- агрокимё ва агротупроқшунослик йўналиши фанларидан электрон ўқув материалларини яратадиган технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнда фойдаланиш;
- агрокимё ва агротупроқшунослик йўналиши доирасидаги янги технологиялар асосида фанга оид дастурлар яратиш **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар.**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ва тупроқни муҳофазалашда янги инновацион технологиялардан фойдаланган холда тупроқ унумдорлигини тиклаш, ошириш ва улардан самарали фойдаланиш, ер

ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тупроқ хаританомаларни тузишда ГАТ технологияларидан фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини муҳофазалашни ташкил этиш, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда ресурс тежамкор соғ маҳсулотларни етишириш қишлоқ хўжалигида ўзига хос специфик томонлари тингловчилар томонидан малака фаолиятларида фойдаланилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва ўзвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги бошқа фанлар билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Эрозияга учраган тупроқларда тупроқ муҳофазасини кучайтириш ва уларга қарши чора тадбирларни такомиллаштиришни усулларини аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш, оптимал ва муқобил ечим топишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	<b>Модул мавзулари</b>	<b>Тингловчининг ўқув юкламаси, соат</b>				
		хаммаси	жами	жумладан	назар	амалий машгүлот
1	“Агрокимё ва агротуроқшунослик” да янги инновацион технологиялар. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиширишда тупроқни химояловчи инновацион технологиялар, жаҳон тажрибалари, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар.		6	2	4	
2	Тупроқ деградацияси: эрозияниш, шўрланиш, яйловлар дегрессияси, чўлланиш, гипслациш, ботқоқланиш ва бошқа муаммолар, уларни келтириб чиқарувчи омиллар ва муҳофаза қилиш.		6	2	4	
3	Суғориладиган ва лалми ерларнинг экологик-мелиоратив холати ва уларни баҳолашда инновацион технологиялар.		4	2	2	
	<b>Жами:</b>		<b>22</b>	<b>16</b>	<b>6</b>	<b>10</b>
						<b>6</b>

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу: “Агрокимё ва агротупроқшунослик”да янги инновацион технологиялар. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда тупроқни ҳимояловчи инновацион технологиялар, жаҳон тажрибалари, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар.**

Хозирги кунда республикамизда сугориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш, ошириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича давлат дастурлари доирасида кенг кўламли мелиорация тадбирлари ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожланти-ришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиоратив ва ирригация обьектларининг тармоғини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усусларни, энг аввало замонавий сув ва ресурсларни тежайдиган агротехнологияларни жорий этиш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, республикамизда тупроқларнинг хосса-хусусиятларини аниқлаш, мавжуд деградация жараёнларни бартараф этиш, унумдорлигини сақлаш, тиклаш, эрозия, дегумификация жараёнларининг олдини олиш ҳамда гумус ҳосил бўлиш механизми, қонуниятларини тупроқ унумдорлигига боғлиқ ҳолда аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Тупроқларнинг зоналлик типлари бўйича асосий хосса-хусусиятлари, гумусли ҳолати, гумуснинг таркиби, гумус моддаларининг трансформацияси ва уларнинг ҳосил бўлиш механизмлари, гумус моддаларининг элемент таркиби, физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан (CNPS) Миллий биологик педология илмий тадқиқот маркази (Франция), Атроф-муҳитни ўрганиш маркази (Германия), International Centre for Integrated Mountain Development (Швейцария), Department of Soil and Water Science University of Florida (АҚШ), Escuela de Agronomia, Pontifica Universidad Católica de Valparaíso (Чили), Departement de Chimie, Université de Montréal (Канада), Biogas institute of Ministry of Agriculture-BIOMA (P.R. China), Тупроқ ресурсларининг Жаҳон Маълумот Базаси (WRI), Шаҳар, саноат, транспорт, кончилик ва ҳарбий худудларнинг тупроқлари Халқаро Тупроқшунослар Иттифоқи (SUITMA), Тупроқ маълумот гуруҳи, РПГ(RSG), Халқаро тупроқшунослар ўюшмаси (IUSS), Халқаро тупроқшунослар жамияти (ISSS), Халқаро тупроқлар маълумот-ахборот маркази (ISRIC), В.В.Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти, РАСХН (Россия), К.А.Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалик

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

академияси (Россия), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тупроқшунослик факультети (Россия), Дехқончилик институти ЦАЛНЛ (Литва), Успанов номидаги Тупроқшунослик ва агрокимё институти (Қозогистон), Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунё амалиётида тупроқларнинг гумусли ҳолатини яхшилаш, деградация жараёнларини олдини олишнинг хавфсиз ва самарали усуслари ва илғор технологияларни қўллаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий - тадқиқотлар олиб борилмоқда: техноген ва антропоген омиллар таъсирида ифлосланган тупроқлар гумусли ҳолатини яхшилаш; деградацияланган тупроқлар унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва ошириш; сахроланиш жараёни таъсиридаги тупроқларнинг гумусли ҳолати ва тупроқ хоссаларининг ёмонлашишини бартараф этишга қаратилган агротехнологияларни қўллаш; глобал иқлим ўзгаришида иссиқхона эффекти ва СО<sub>2</sub> эмиссияси жараёнлари жадаллашини олдини олишнинг илғор ечимларини ишлаб чиқиш. Инновацион фаолиятга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Hamburg University in Germany (Германия), University of Strasbourg (Франция), Tokyo Metropolitan University (Япония), University of Granada (Испания), University of Social Psychology (Польша), Россия Федерацииси Президенти хузуридаги давлат хизмати академияси, Сибирь давлат хизмати академияси, Россия давлат педагогика университети, Россия давлат инновацион технологиялар ва 7 тадбиркорлик университети (Россия) томонидан олиб борилмоқда.

**“Агрокимё ва агротупроқшуносликда янги инновацион технологиялар”** фанининг мақсади- инновацион жараёнлар, тупроқшунослик ва агрокимёда инновациялар , яъни тупроқقا ишлов бериш ва ўғитларни комплекс қўллашнинг экологик хавфсиз технологиялари, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва экинлар хосилдорлигини оширишда инновацион технологиялар; қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштиришда тупроқни муҳофазаловчи инновацион технологиялар, қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштиришда ресурстежамкор технологияларни экологик ва иқтисодий баҳосини ўрганишдан иборат. Буларга асосан;

- Чўлланиш, ўрмонларнинг кесилиши ва бошқалар.
- Иккиласми шўрланиш ва суғориши натижасида ортиқча намланиш.
- Тоғ ва тоғ олди худудларидаги сув ва ирригацион эрозия.
- Дефляция, шунингдек, чорвачилик жадал ривожланган худудлардаги яйловлар дегрессияси.
- Ерларнинг қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳаларида ўзлаштирилиши натижасида техноген чўлланиш.
- Хаддан зиёд агрохимикатлар қўллаш, саноат ва майший чиқиндиларни ташлаш, бир хил экин экиш оқибатларида тупроқ унумдорлигини пасайиши ва ифлосланиши.
- Орол денгизининг қуриши ва тузли чанг аэрозол тупроқ юзасига

ўтириши натижасида тупроқлар шўрланиши кам деградация жараёнлари киради.

## **2-мавзу: Тупроқ деградацияси: эрозияланиш, шўрланиш, яйловлар дегрессияси, чўлланиш, гипслашиш, ботқоқланиш ва бошка муаммолар, уларни келтириб чиқарувчи омиллар ва муҳофаза қилиш.**

Бугунги кунда дунёда «ювилиш ва сув эрозияси таъсирида бузилган ерлар 10,9 млн/га (56 %), шамол таъсирида ёмирилган ерлар 5,5 млн/га (28 %), кимёвий деградацияга (гумус ва биоген моддалар камайган, шўрланган, ифлосланган ва бошқалар) учраган ерлар 2,4 млн/га (12 %), физик деградацияга учраган (зичлашган, ботқоқлашган, чўккан ва бошқалар) ерлар 0,8 млн/га (4%) бўлиб, жами майдон 19,6 млн гектарга тенгдир»<sup>2</sup>. Шу сабабли дунё мамлакатларида табиий ва антропоген омиллар таъсирида деградацияга учраган ер майдонларининг унумдорлигини сақлаш, ошириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Дунёда тупроқларнинг ҳозирги ҳолатини ва уларни антропоген омиллар таъсирида ўзгаришини аниқлаш, дегумификация, сувга чидамли донадор структуранинг йўқолиши, зичланиш, гумусли горизонт қалинлигининг пасайиши, эрозия, шўрланиш ва бошқалар каби ҳодисаларнинг олдини олиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, тупроқларнинг морфогенетик белгилари, кимёвий таркиби ва тупроқ пайдо бўлишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, антропоген омиллар таъсирида юзага келган салбий ҳолатларни аниқлаш, оқибатларини бартараф этиш, тоғли ҳудудлардаги эрозияланган тупроқларнинг гумусли ҳолатини баҳолашнинг илмий асосланган мезонларини ва эрозия жараёнлари натижасида йўқолган тупроқ гумусини сақлаш ва тиклашнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга доир тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тупроқ деградацияси - тупроқдаги хаётый муҳим таркибга, тупроққа, сувга ва микроорганизмларга бир ёки бир неча жараёнларга боғлиқлиги, Тупроқ деградациясининг табиий омиллари, Тупроқ структурасининг бузилиши ва зичланиши, тупроқнинг заарли химикатлар билан ифлосланиши, органик моддалар ва озуқа элементларнинг йўқотилиши, ердан интенсив фойдаланиш ва бошқ киради. Ботқоқланиш, коллектор ва дренажлардан нотўғри фойдаланиш, анъанавий бўлмаган дренаж воситасида суғориш. Яйловлардан ноокилона фойдаланиш – яйлов айланмаси ва ротациясида чўлланишга, норматив нагруззкани бузилишига, юқори ҳарорат ва шамол таъсирида юзага келадиган тупроқ структурасининг бузилиши ва дефолицияга, хаддан ташқари ўтлатиш

<sup>2</sup><https://www.fao.org>.

киради. Текисликларда унумдор тупроқларга құмларнинг күчиң келиши ва тупроқ дефляцияси, тоғ худудларидаги ўрмон хўжаликларидан нооқилона фойдаланиш. Ер ресурсларига антропоген таъсир. Табиий жараёнларни тупроқ муҳофазаси билан боғлиқлиги. Тупроқ муҳофазасида тупроқнинг устки унумдор қатламига антропоген омилларни таъсири. Тупроқ эрозияси турлари ва омиллари. Географик тарқалиш қонуниятлари. Тупроқ эрозияси жараёнлари таъсирида тупроқ хоссаларини ўзгариши. Тупроқ эрозияси тарқалған майдонлар. Тупроқ эрозияси ва ерлар рекультивацияси. Техногенез маҳсулотлар билан ифлосланган тупроқлар. Ерлар деградацияси - қадимги ходиса хисобланиб, инклар империясининг баланд тоғларида ва Хитойнинг текисликларида узоқ даврларда ҳам намоён бўлган. Лекин охирги юз йилликларда, табиий экосистеманинг чидамлилигини, бир бутунлигининг бузилиши, айниқса дунёнинг арид минтақаларида атроф мухитга ернинг ишлаб чиқариш потенциалига жиддий таъсир этмоқда Дунёнинг жуда кўп мамлакатларида социал - экологик муаммолар, йирик иқтисодий ерлар деградациясини баҳоловчи Халқаро ҳамжамиятларнинг таъкидлашича БМТ бош ассамблеясининг қарорига биноан 22-апрель Халқаро Ер куни, 17 июн Бутунжахон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш куни, 5-декабр Халқаро тупроқ куни деб эълон килинган.

- Деградацияга учраган ерларни глобал баҳолашни бўйича 100 ортиқ давлат, қарийб 1,5 млд. инсонлар (тўрдан бири) ерлар деградацияси билан доимий равишда боғлиқдир. Бундан ташқари одамзод тарихий даврда (дунёда хайдалма ердан кўп) ва яна 1,5-2 млд. гектар ерни йўқотган. Йилига 20 млн тонна дон етиштира оладиган, хозирги пайтда хар йили дунё қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан 8-10 млн. га ер турли сабабларга кўра фойдаланишдан чиқиб кетмоқда.

- Олимларнинг таъкидлашича, ўртача тарихий кўрсаткичларни солиштирганда ўтган аср иккинчи ярмига нисбатан деградация тезлиги 30 марта ошган, агар шу тезлиқда давом этса, 100 йилдан кейин ер шари тупроқлари бутунлай деградацияга учрайди.

- Геологларнинг баҳолашишича, инсонлар қишлоқ хўжалик фаолияти билан шуғулланишидан аввал, дарёлар океанга йилига 9 млд. тонна тупроқни ювган.

- Инсон фаолияти натижасида эса бу рақам 25 млд. тоннага етган

- 1 см тупроқ ҳосил бўлишига ўртача 100-300 йил керак бўлади, лекин инсон таъсирида бир мавсумнинг ўзида тупроқ унумдор қатламини йўқотиш мумкин.

### **Деградация индикаторлари бўйича давлатлар рейтинги:**

**Жиддий деградацияга учраган ерлар (деградацияга учраган майдонлар % )**

- -Россия 16,5%
- -Канада 11,6%
- -АҚШ 7,9 %
- -Хитой 7,6%

- -Австралия 6,2%

**Тупроқ унумдорлигини йўқотиш бўйича ( млн.т эквивалент)**

- - Канада 94
- -Индонезия 68
- -Бразилия 63
- -Хитой 59
- -Австралия 50

**Тупроқ деградацияси жараёнларининг қамраб олиши бўйича дунёда умумий майдони бўйича**

- -Швейцария 95%
- -Ангола 66%
- -Габон 64%
- -Тайланд 64%

**Деградацияга учраган ерларда яшовчи аҳоли миқдори (млн)**

- -Хитой 457
- -Индия 177
- -Индонезия 86
- -Бангладеш 72
- -Бразилия 46

Агар бу кўрсаткичлар бўйича биринчи йигирматаликка киритадиган бўлсак, биринчиликни –Хитой, Аргентина, Жанубий Африка Республикаси эгаллайди.

➤ Тупроқ деградациясининг табиий омиллари Иқлим (аридлик, континенталлик, шамол таъсири ва бошқ), қурғоқчилик, тупроқдаги чанг заррачаларининг учиши, атмосферанинг ўзгариши, тузлар.

➤ Рельеф - катта қияликларнинг бўлиши сув эрозияси ва кўчкilarга, чукурликлар ва ботиқлар ерларни шўрланишга ва ботқоқланишга олиб келади. Орографияда эса ўзига хос шамолларни хосил бўлишига, шамол эрозиясигشا олиб келади.

➤ Тупроқ ҳоссаларидаги тупроқ ҳосил қилувчи она жинсларнинг хусусиятлари (механик таркиб, гипслашиш, шўрланиш) шамол эрозиясининг қатнашиши, тупроқда буферликни келтириб чиқаради.


➤ Фавқулотда табиий холатлар-ўрмон ёнғинлари ва бошқ.

**З-мавзу: Суғориладиган ва лалми ерларнинг экологик-мелиоратив холати ва уларни баҳолаш.**

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг шўрланиш холати, алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар, суғориладиган ерларнинг экологик-мелиоратив холати ва уларни баҳолаш. лалми ерларнинг экологик-мелиоратив холати ва уларни баҳолаш. Суғориладиган экин ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича ўзгариши Республика вилоятлари бўйича лалми экин ер майдонларининг

тақсимланиши. Қишлоқ хўжалик ер турлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ичида алоҳида ўринни эгаллайди. Шундан, экин ерлар, кўп йиллик дараҳтзорлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дараҳт кўчатзорлари ва мевазорлар), бўз ерлар, пичанзор ва яйловларга бўлинади. 2019 йил 1 январ ҳолатига уларнинг ер майдони **25630,0 минг** гектарни ёки умумий ер майдонининг **57,1 фоизини**, шундан сугориладиган қишлоқ хўжалик ер турлари жами **3736,8 минг** гектарни ташкил этади. Сугориладиган қишлоқ хўжалик ер турларининг Республика бўйича ўзгариши 1-расмда кўрсатилган.

### Минг. га



### Сугориладиган ерлар:

Қишлоқ хўжалигига фойдаланиш ва сугориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни сугоришни таъминлай оладиган сугориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат сугориш тармоғига эга бўлган ерлар сугориладиган ерлар жумласига киради.

Қишлоқ ва сув хўжалиги органлари сугориладиган ери бўлган ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни сугориш ишлари учун манбаларнинг серсувлигини ҳисобга олган ҳолда жорий этилган лимитлар бўйича сув тўғрисидаги қонун хужжатлари билан белгиланадиган тартибда сув билан таъминлашлари шарт.

Сугориладиган ерлар маҳсус муҳофаза қилиниши лозим.

## **Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор сұғориладиган ерлар:**

Кадастр баҳоланишига кўра ўртача туман бонитет баллидан 20 фоиздан кўп бўлган сұғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари алоҳида қимматга эга бўлган унумдор сұғориладиган ерлар жумласига киради. Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор сұғориладиган ерлар маҳсус муҳофаза қилиниши лозим ва уларнинг сұғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор сұғориладиган қишлоқ хўжалик ерларини корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун беришга алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан йўл қўйилади.

Экин ерларга қишлоқ хўжалик экинлари экилиб, узлуксиз фойдаланиладиган барча хайдалма ерлар киради. Экин ерлари икки турга: сұғориладиган ва лалми ерларга бўлинади.

Республика бўйича 2019 йил 1 январ ҳолатига экин ерлар жами **4040,8 минг** гектарни шу жумладан, сұғориладиган экин ерларнинг умумий ер майдони **3284,5 минг** гектар ёки қишлоқ хўжалик ер турларининг **12,8 фоизини**, лалми экин ерларнинг умумий майдони **756,3 минг** гектарни ёки қишлоқ хўжалик ер турларининг **3,0 фоизини** ташкил этади. Сұғориладиган экин ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича 2011-2016 йиллар давомида ўзгариши кўрсатилган.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1- амалий машғулот: Тупроқ тушунтирувчи ҳариталарини тузишида ва тупроқ диагностикасида халкаро тупроқшунослик классификация тизими тўғрисида**

Замонавий ГАТ технологиялар. ГАТ технологиялар асосида ҳариталар тузиш. ARGES, Понорама дастурлари асосида электрон ҳариталарни тушунтириш. Тупроқ тушунтирувчи ҳариталарини тузишида ва тупроқ диагностикасида халкаро тупроқшунослик классификация тизими тўғрисида маълумот бериш ва тахлил қилиш

### **2- амалий машғулот. Тупроқ деградацияси ва муҳофазаси мавзусини ўқитишида педагогик технологияларни қўллашнинг ахамияти**

Эрозияланиш, шўрланиш, яйловлар дегрессияси, чўлланиш, гипслапшиш, ботқоқланиш ва бошка муаммолар, уларни келтириб чиқарувчи омиллар ва муҳофаза қилиш масалалари бўйича кейс стади тузиш, турли педагогик технологиялар асосида тушунча бериш.

### **З-мавзу: Сугориладиган ва лалми ерларнинг хоссаларига оид жадвал маълумотлари асосида балл бонитетларини хисоблаш.**

Сугориладиган ва лалми ерларнинг агрофизик, агрокимёвий, биологик хоссалари, гумусли холати, гумус ва озиқ элементлар захираларини хисоблаш, улар асосида бонитет балларини хисоблаш.

### **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

1. Тупроқларни вертикал зоналлик асосида тарқалиш қонуниятларини ўрганиш ва тупроқ тип, типчаларини тавсифлашда “Понорама” ва “ArcGIS” дастурларидан фойдаланишни ўрганиш.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустахкамлаш);
- давра суҳбатлари (мутахассисликка оид кейс вазиятлар яратиш, ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (кейслар яратиш ҳамда ечими бўйича далиллар ва асосли далиллар тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Баллар</b>
1	Кейс топшириклари	2,5	1,5 балл
2	Мустақил иш топшириклари		Мустақил иш – 1,0 балл

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

**“SWOT-таҳлил” методи.**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



**Намуна:** Тупроқни мухофаза қилиш чора тадбирларини ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b>	Суғориш эрозиясидан мухофазалаш	Шамол эрозиясидан мухофазалаш
<b>W</b>	Тоғ олди суғориладиган худудларда эрозия жараёнлари кучли ривожланган	Чўл зонаси худудларда шамол эрозияси кучли ривожланаган
<b>O</b>	Тупроқни суғориш эрозиясидан мухофазалашда замонавий биологик, кимёвий ва агротехник тадбирларни қўллаш	Тупроқни шамол эрозиясидан мухофазалашда замонавий биологик, кимёвий ва агротехник тадбирларни қўллаш
<b>T</b>	Ер ресурсларидан нотўгри фойдаланиш	Сахроланиш жараёнининг кучайиши

**«ФСМУ» методи**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

**Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган яқуний хуносса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна.**

**Фикр:** “Тупроқ муҳофазаси тупроқ унумдорлигини оширишдаги асосий омиллардан биридир”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

**“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни

аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўкув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

#### **Тест**

- 1. ТУПРОҚ ЭРОЗИЯСИ  
қандай қалит сўздан  
фойдаланилади?
- А. тупроқни емирилиш
- В. Тупроқни зичлашиши
- С. Тупроқни ифлосланиши

#### **Қиёсий таҳлил**

- ТУПРОҚ МУХОФАЗАСИНИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ  
ЎРНИ?

#### **Тушунча таҳлили**

- GIS қисқармасини  
изоҳланг...
- GPS қисқармасини  
изоҳланг...
- 

#### **Амалий қўникма**

- Гуссак лотоги ёрдамида  
тупроқ емирилишини  
аниқланг?

### **III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**1-мавзу: “Агрокимё ва агротуроқшунослик”да янги инновацион технологиялар. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда тупроқни ҳимояловчи инновацион технологиялар, жаҳон тажрибалари, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар.**

1.1. “Агрокимё ва агротуроқшуносликда янги инновацион технологиялар.

1.2. Инновацион фаолиятга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари,

1.3. Иқлим ўзгаришига мослашиш стратегиясининг устивор йўналишлари. Ўзбекистон бўйича иқлим ўзгариши билан кутиладиган ўзгаришлар

**Таянч иборалар:** Инновацион фаолият, илмий изланишлар Тупроқ муҳофазаси, тупроқ қатлами, педосфера, литосфера, гидросфера, атмосфера, экология, қурғоқчилик. жаҳоннинг етакчи илмий марказлари

Хозирги кунда республикамизда суғориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини саклаш, ошириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича давлат дастурлари доирасида кенг кўламли мелиорация тадбирлари ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожланти-ришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиоратив ва ирригация объектларининг тармоғини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало замонавий сув ва ресурсларни тежайдиган агротехнологияларни жорий этиш»<sup>3</sup> бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, республикамизда тупроқларнинг хосса-хусусиятларини аниқлаш, мавжуд деградация жараёнларни бартараф этиш, унумдорлигини саклаш, тиклаш, эрозия, дегумификация жараёнларининг олдини олиш ҳамда гумус ҳосил бўлиш механизми, қонуниятларини тупроқ унумдорлигига боғлиқ ҳолда аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3024-сон «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ва 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 14 январдаги 25-сон «Фермер хўжаликларининг ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш ва қўшимча даромад олишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тупроқларнинг зоналлик типлари бўйича асосий хосса-хусусиятлари, гумусли ҳолати, гумуснинг таркиби, гумус моддаларининг трансформацияси ва уларнинг ҳосил бўлиш механизмлари, гумус моддаларининг элемент таркиби, физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан (CNPS) Миллий биологик педология илмий тадқиқот маркази (Франция), Атроф-муҳитни ўрганиш маркази (Германия), International Centre for Integrated Mountain Developmend (Швейцария), Department of Soil and Water Science University of Florida (АҚШ), Escuela de Agronomia, Pontifica Universidad Catolica de Valparaiso (Чили), Departement de Chimie, Universite de Montreal (Канада), Biogas institute of Ministry of Agriculture-BIOMA (P.R. China), Тупроқ ресурсларининг Жаҳон Маълумот Базаси (WPБ), Шаҳар, саноат, транспорт, кончилик ва ҳарбий ҳудудларнинг тупроқлари Халқаро Тупроқшунослар Иттифоқи (SUITMA), Тупроқ маълумот гурӯҳи, РПГ(RSG), Халқаро тупроқшунослар уюшмаси (IUSS), Халқаро тупроқшунослар жамияти (ISSS), Халқаро тупроқлар маълумот-ахборот маркази (ISRIC), В.В.Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти, РАСХН (Россия), К.А.Тимиризев номидаги Москва қишлоқ хўжалик академияси (Россия), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тупроқшунослик факультети (Россия), Дехқончилик институти ЦАЛНЛ (Литва), Успанов номидаги Тупроқшунослик ва агрокимё институти (Қозоғистон), Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунё амалиётида тупроқларнинг гумусли ҳолатини яхшилаш, деградация жараёнларини олдини олишнинг хавфсиз ва самарали усуллари ва илғор технологияларни қўллаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий - тадқиқотлар олиб борилмоқда: техноген ва антропоген омиллар таъсирида ифлосланган тупроқлар гумусли ҳолатини яхшилаш; деградацияланган тупроқлар унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва ошириш; сахроланиш жараёни таъсиридаги тупроқларнинг гумусли ҳолати ва тупроқ хоссаларининг ёмонлашишини бартараф этишга қаратилган агротехнологияларни қўллаш; глобал иқлим ўзгаришида иссиқхона эффекти ва CO<sub>2</sub> эмиссияси жараёнлари жадаллашини олдини олишнинг илғор ечимларини ишлаб чиқиш. Инновацион фаолиятга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Hamburg University in Germany (Германия), University of Strasbourg (Франция), Tokyo Metropolitan University (Япония),

University of Granada (Испания), University of Social Psychology (Польша), Россия Федерацияси Президенти хузуридаги давлат хизмати академияси, Сибирь давлат хизмати академияси, Россия давлат педагогика университети, Россия давлат инновацион технологиялар ва 7 тадбиркорлик университети (Россия) томонидан олиб борилмоқда.

2008 йилнинг 15 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойихалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”иги 916-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2008 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг махсус фармойишлар билан Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойихалар ярмаркаси “Ўзэкспомарказ” да ўtkазилиб келинмоқда.

Инновация тушунчаси- Ижодий интеллектуал фаолиятнинг якуний натижаси бўлиб, янги ёки такомиллашган махсулот кўринишида мужассамлашади ва бозорда сотишга мўлжалланади ёхуд амалий фаолиятида фойдаланиладиган янги ёки такомиллашган технологик жараён хисобланади

Стратегик инновациялар-Огоҳлантирувчи тавсифга эга ва истиқболда нисбий устунликда эришиш учун йўналтирилади

Реактив инновациялар- Фирмани сақлаб қолиш учун йўналтирилган бўлиб, улар рақобатчилар томонидан амалга оширилаётган радикал (кескин) инновацион ўзгаришларга қарши қўлланилади.

Соҳта инновациялар-Эскирган техника технологияларни қисман яхшилашга йўналтирилади.

Яхшиловчи инновациялар - Майда ва ўрта ихтиrolарни жорий этиш билан боғлиқ ва тарқалиш босқичида ҳамда фан-техника циклининг барқарор ривожланишида устунлик қилади.

Базисли инновациялар -Йирик кашфиётларни руёбга чиқаради ва техникани ривожлантиришнинг янги авлодлари ва йўналишларини шакллантириш учун асос бўлади

**“Агрокимё ва агротупроқшуносликда янги инновацион технологиялар”** фанининг мақсади- инновацион жараёнлар, тупроқшунослик ва агрокимёда инновациялар , яъни тупроққа ишлов бериш ва ўғитларни комплекс қўллашнинг экологик хавфсиз технологиялари, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва экинлар хосилдорлигини оширишда инновацион технологиилар; қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштиришда тупроқни муҳофазаловчи инновацион технологиилар,қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштиришда ресурстежамкор технологииларни экологик ва иқтисодий баҳосини ўрганишдан иборат. Буларга асосан;

- Чўлланиш, ўрмонларнинг кесилиши ва бошқалар.
- Иккиламчи шўрланиш ва суғориш натижасида ортиқча намланиш.
- Тоғ ва тоғ олди худудларидаги сув ва ирригацион эрозия.
- Дефляция, шунингдек, чорвачилик жадал ривожланган худудлардаги

яйловлар дегрессияси.

- Ерларнинг қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳаларида ўзлаштирилиши натижасида техноген чўлланиш.
- Хаддан зиёд агрохимикатлар кўллаш, саноат ва майший чиқиндиларни ташлаш, бир хил экин экин оқибатларида тупроқ унумдорлигини пасайиши ва ифлосланиши.
- Орол денгизининг қуриши ва тузли чанг аэрозол тупроқ юзасига ўтириши натижасида тупроқлар шўрланиши кам деградация жараёнлари киради.

### **Ўзбекистон бўйича иқлим ўзгариши билан қутиладиган ўзгаришлар**

Қишлоқ хўжалиги

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ хосилдорликни йўқолиши (%) кўйидагича:

- Қишлоқ хўжалиги қанчалик сув истеъмолига боғлиқ бўлса, шунчалик иқлим ўзгаришига мойил бўлади
- 2030 йилларга келиб хосилдорликни пасайиши ўртача 2-5% пасаяди
- 2050 йилларга келиб иқлим шароитларини омилларига кўра хосилдорликни (сценарийларга кўра):

Сирдаръё бассейн  
Пахта: 11-13%  
Буғдой: 5-7%

Амударьё бассейни  
Пахта: 13-23%  
Дон: 10-14%

- Мураккаб демографик ситуация билан, иқлим ўзгариши шароити билан боғлиқ сув ресурсларини танқис бўлган вақтда иқтисодни ривожланиши аграр соҳасида бир қатор муаммоларни келиб чиқиши, бу эса озиқ овқат хавфсизлигини ўзгаришига сабаб бўлади.

### **Иқлим ўзгаришига мослашиш стратегиясининг устивор йўналишлари**

- Сувни тежаш ва сувдан оқилона фойдаланиш;
- Ерларни деградациясига қарши кураш (сугориладиган ерларни мелиорацияси, яйловлардан оқилона фойдаланиш ва тиклаш)
- Ўсимликшунослик ва чорвачилик махсулдорлигини ошириш;
- Турли экотизимлардаги биохилма хилликни сақлаш.
- Энергетик ресурслардан оқилона фойдаланиш

## ТУПРОҚЛАР УНУМДОЛИГИНИ ОШИРИШДА ЭКОЛОГИК ТОЗА БИОПРЕПАРАТЛАР



Микроўстиргич  
тажрибада синалмокда



“Замин-М” микробли  
композицияси

ЎзР ФА Микробиология институти ва ЎзМУ  
хамкорлигига “Микроўстиргич, Вербактин,  
Микроризим” биоўғитлари

- Тупрокни озука моддаларин ва фойдали микрофлора билан бойитиши хисобига унинг унумдорлиги оширади;
- бодринг ва томатларнинг хосилдорлигини 10-15% орттиради;
- уруғларнинг униб чикиш қувватини ошириб, хосил етилишини 7-8 кунга тезлаштиради;

- **ЎзМУ “Замин-М, Бист, Псевдоризобин ”**  
**микробиологик композициялари**
- антистресс самараға эга бўлиб, ўсимликларнинг шўрланишига чидамлилигини оширади;
- биопротектор сифатига ўсимлик касалликларининг олдини олиш ва ўсимликларнинг иммун тизимини ишга тушишига сабаб бўлади;
- уруғларнинг унувчалигини 90-95% гача оширади;

### Ишлов бериш үсуллари:

Уруғларни экишдан олдин намлаш ;  
Майсалаш фазаларида пуркалади ;

#### Биоўғит афзалликлари :

- Намлик етишмаган шароитда ҳам самарадорлиги юқори;
- Экологик хавфсиз ;
- Қўлланиши оддий;
- Молиявий ҳарражатларни қисқартиради.

“Микроўстиргич” биологик ўғити Сабзвот ва полиз экинлари институтида очиқ майдонда ва иссиқхоналарда бодринг ва томат экинларида синовдан ўтказилиб, да

Сақлаш муддати 12 ой.



## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТОҒОЛДИ ВА ПАСТ ТОҒЛАРИ ҚИЯЛИКЛАРИДАГИ ЭРОЗИЯЛАНГАН ТУПРОҚЛАРИДА ДЕҲҶОНЧИЛИКНИНГ ТУПРОҚ ҲИМОЯЛОВЧИ ЛАНДШАФТ ТИЗИМИ

- Ўзбекистон тоголди ва паст тоглари қияликларидаги эрозияланган тупроқларининг унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва оширишга каратиглан комплекс тадбирлардан иборат технология ишлаб чиқилган. Ҳудудни контур тарзида ташкил этиш, экинларни йўл-йўл килиб жойлаштириш, культиватор ёрдамида ёриқ ҳосил килиш (щелевание), тупрок ҳолатини яхшиловчи экинларни танлаш, тупроқни химояловчи технологияларни қўллаш ва биологизациялаштириш каби комплекс агромелиоратив тупроқ химояловчи тадбирлар тавсия этилган.



## ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРНИ БИОМЕЛИОРАЦИЯЛАШДА ШИРИНМИЯ (*GLYCYRRHIZA GLABRA L.*) ЎСИМЛИГИНИНГ РОЛИ

Шўрланган тупроқларнинг биологик фаоллигини ошириш ва унумдорлигини қайта тиклашда *Glycyrrhiza glabra L.* ширинмия ўсимлигининг аҳамиятли томонлари ўрганилди ва тажрибада исботланди.



## **2-мавзу: Тупроқ деградацияси: эрозияланиш, шўрланиш, яйловлар дегрессияси, чўлланиш, гипслашиш, ботқоқланиш ва бошка муаммолар, уларни келтириб чиқарувчи омиллар ва муҳофаза қилиш.**

2.1. Тупроқ эрозияси тарқалган майдонлар.

2.2. Тупроқ эрозияси ва ерлар рекультивацияси.

2.3. Техногенез маҳсулотлар билан ифлосланган тупроқлар.

**Таянч иборалар:** Тупроқ муҳофазаси, тупроқ қатлами, педосфера, литосфера, гидросфера, атмосфера, экология, қурғоқчилик.

### **2.1. Тупроқ эрозияси тарқалган майдонлар.**

Тупроқ ернинг энг асосий ресурси ҳисобланади. Инсон ҳаётини яхшилашда, тупроқ унумдорлигини ҳосил бўлишида лой ҳоссалари аҳамиятсиз деб ҳисобланса ҳам катта қийматга эгадир. Тупроқ ер устки қатламининг ҳосил берадиган қтлами бўлиб, муҳим ресурс ҳисобланади. Инсон ҳаётида тупроқ ёғ ва толалар, углеводлар озиқ-овқат ҳавфсизлиги ва атроф муҳитни сифатли сақлашда катта рол ўйнайди. Тупроқда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш инсон ҳаёти учун мазмунан ҳавфсизлик тўкин-сочинлик ва ривожланишни асоси ҳисобланади. Тупроқ таббий барқарор ҳолатини кучли ювилиш ёки деградация жараёни таъсирида унинг унумдорлик қисми камаяди. Тупроқнинг асосий вазифаси ўсимлик ўсиши учун сифатли шароит яратишидир. Тупроқ озиқ-овқат ҳавфсизлигини амалга ошириш билан бирга унинг сифатини сақлашда катта рол ўйнайди. (мисол шаҳар ва саноат чиқиндилари, глобал иқлим ўзгариши). Озиқ-овқат ҳавфсизлиги, ҳаво мусаффолиги, сувнинг ифлосланмаганлиги, антропоген чиқиндиларнинг камлиги, углерод микдорининг кўплиги. Тупроқ инсон таъсирида қайта шаклланадиган ресурс бўлиб, бунга вақт керак бўлади. Бу динамика қонуни бўлиб, ерни тўғри ўзлаштириш мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолатда ишлатиш уни таназзулга олиб келади. Дунёда унумдор самарали ерлар чекланган бўлиб, 6 миллиярд аҳолига ер майдонининг 11 % тўғри келади, бу эса уни озиқ-овқат билан таъминотини 1.3% дан ошмайди.<sup>4</sup>

Шундай қилиб ер юзидағи кетадиган деградацияларни камайтириш учун тупроқнинг агрономик, экологик ва иқтисодий ҳолатига боғлиқ бўлади. Эрозия жараёнларини бартараф этиш қишлоқ хўжалик ислоҳатларини тадбиқ этиш, сув тармоқларини тозалаш, экологик тоза

<sup>4</sup> (Eswaran va boshq., 2001).

транспорт билан таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади. АҚШда йилига сув эрозиясидан 12-42 \$ миллиардгача, шамол эрозиясидан 11-32 \$ миллиардгача зарар кўрилади. Дунё бўйича эса эрозия таъсиридан 400\$ миллиардгача зарар кўрилади<sup>5</sup>.

Тупроқ қатлами умумсайёра ҳосиласи - педосферадан иборат бўлиб, у литосфера, гидросфера ва атмосфера сингари тирик мавжудодлар билан бирга сайёранинг биосферасини ташкил этади. Тупроқ қатлами умумзамин биоэнергетика ва биогеокимёвий тизим бўлиб, ўсимликлар, ҳайвонот ва микроорганизмларнинг яшашини ҳамда тирик модда биомассаси тақороран ишлаб чиқарилишини таъминлайди. Тупроқ қатламининг айни мана шу хусусиятлари биосферанинг унумдорлигини вужудга келтиради.

Ердан оқилона фойдаланиш ва тупроқни муҳофаза қилиш, табиий ресурсларни қўриқлаш ҳамда улардан фойдаланиш умумий муаммосида алоҳида ўрин тутади. Олимларимиз қайд этганидек, бундай алоҳида ўрин энг аввало шу билан белгиланадики, инсоният озиқ-овқат маҳсулотларининг 88 фоизини тупроқ қатламига ишлов бериш натижасида олади; чорвачилик маҳсулотларини ҳисобга олганда, бу рақам 98 фоизга етади. Холбуки, тупроқнинг қиймати озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат учун хом ашё етиштиришдаги фавқулодда муҳим аҳамияти билангина эмас, балки у умуман биосфера ҳаётида ўйнайдиган буюк экологик роли билан ҳам белгиланади. (Ковда, 1978)

Табиатшунос олимлар, экологлар, биологлар, тупроқшунослар агрономлар, мелиораторлар тупроқ қатламининг тез ортиб ва баъзида ўрнини тўлдириб бўлмайдиган талофатлардан, шунингдек кенг тарқалаётган тупроқ инқирози ҳолатларидан чукур ташвишга тушиб қолишган. Бу ҳол тупроқнинг амалдаги эҳтимол тутилган ҳосилдорлигини пасайтиради, тез-тез содир бўлаётган қурғоқчилик ва тошқинларнинг оғир оқибатларини кескинлаштиради, ҳосилдорлик ўсишини ва зарур озиқ-овқат заҳираларини вужудга келтирилишини мушкуллаштиради. Бу, шунингдек, табиатда моддаларнинг биокимёвий айланиши ҳамда инсон яшайдиган муҳит сифатида биосфера ҳолатининг бузилишига сабаб бўлади. Экологик соҳадаги замонавий билимлар, сайёрамиз табиатида биосферада, атроф- муҳитда тупроқ қатламининг мутлақо алмаштириб бўлмаслик тўғрисидаги хulosага олиб келади, ҳатто биосферада тупроқ қатламини алмаштириб бўлмаслик қонуни тўғрисида ҳам гапириш мумкин. Сайёрамизнинг тупроқ заҳиралари ўз майдони ва сифатига кўра чеклангандир, қуруқликнинг 70 фоизга қадари яхшиланишни талаб этади

<sup>5</sup> Uri, 2000). (H. Blanco, R. Lal, *Principles of Soil Conservation and Management* 24-25 бет).

ва мелиорацияга муҳтождир. Кейинги 75-100 йил мобайнида сайёранинг тупроқ қатлами тез камайиб борганлиги ҳам муаммони кескинлаштиromoқда. Бунга аввалари унга эътибор берилмаган эди, чунки тупроқ қатлами энг аввало дехқончилик ва ўрмон хўжалигида маҳсулот етишириш учун бир манба сифатида "шахсий талаб" нуқтаи назаридан қабул қилиб келинди. Аммо кислород, азот ва углекислотанинг жаҳон балансида эҳтимол тутилган ўзгаришлар, тоза сув заҳираларининг камайиши, сув ҳавзаларининг эвтрофикацияси туфайли юзага келган ташвиш тупроқ қатламининг аҳамиятига эътибор беришга мажбур қилди. Бугунги кунда тупроқ қатлами емирилмоқда, камайиб бормоқда, тобора жадаллик билан таназзулга юз тутмоқда. Тарихий давр мобайнида 2 миллиард гектарга яқин ердан маҳрум бўлинган (шаҳарлар, манзилгоҳлар, иншоотлар, йўллар билан банд бўлган, эрозия емирган, шўр босган, ифлосланган ва ҳоказо). Ҳозирги вақтда В.А.Ковда маълумотларига қўра бутун сайёрада 1,5 миллиард гектар ерга қишлоқ хўжалик экинлари экилади, ҳар йили жаҳонда 6-7 миллион гектаргача ердан маҳрум бўлинади. Ер курраси аҳолисининг учдан икки қисми қашшоқлик ва очлик шароитида яшаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳозир сайёрамизнинг ҳар бир аҳолисига ҳайдалган ер 10-20 йил илгарига нисбтан камроқ тўғри келишини назарда тутсак, тупроқ унумдорлигини икки карра, уч карра қўпайтириш дехқончиликнинг асосий вазифаси лозимлиги яққол намоён бўлади. Ер ресурсларидан ҳар томонлама оқилона фойдаланмай, тупроқ қатламини турли емирилиш ва ифлосланишлардан муҳофаза қилиш чораларини кучайтиромай, қишлоқ хўжалиги билан алоқадор бўлмаган мақсадлар учун ерларни тежаб-тергаб ажратмай туриб, бу ғоят мушкул вазифани ҳал этишнинг иложи йўқ. Инсоннинг нотўғри ташкил этган турли хил фаолияти таъсирида тупроқ қатлами эрозияга дучор бўлади, иккиламчи шўрланади, агрехимикатлар, оғир металлар ва бошқалар билан ифлосланади, кимёвий ва биологик токсикозга учрайди ва ҳоказолар<sup>6</sup>.

Тупроқни эрозиядан сақлаш муаммоси дунёning арид иқлими минтақасида жойлашган кўпгина мамлакатлар учун, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудуди учун ҳам долзарб муаммодир. Чунончи, республикада эрозияга учраган ер майдонлари Ўзбекистон республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва ер кадастри Давлат қўмитаси маълумотига қўра

---

<sup>6</sup> Roy E. Olson From Soil Behavior Fundamentals to Innovations in Geotechnical Engineering merican Society of Civil Engineers USA, 2014

(2009) 2700 минг гектарни, ёки ҳайдаладиган ерлар умумий майдонининг 81 фоизини ташкил этади. Шулардан 682 минг гектари ирригация эрозиясига, салкам 50 минг гектари жарлик эрозиясига (А.Нифматов, 1989), 746 минг гектари лалми юза сув эрозиясига (Х.Махсадов, 1989) ва 2057 минг гектари шамол эрозиясига дучор бўлган. Тупроқ эрозияси илмий ва эрозияшунослик ўқув фани сифатида бошқа фанлардан ўзининг жуда кеч ривожланганлиги билан фарқ қиласди. (Х.Махсадов, 1998, К.Мирзажанов, 2004).

## **2.2. Тупроқ эрозияси ва ерлар рекультивацияси.**

Инсоннинг саноат фаолиятида бузилган ерлар мелиоратив муҳофаза тадбирларини тақозо этади. Тупроқ ва ландшафтларда энг фаол бузилишни фойдали қазилмаларнинг самарадорлиги юқори бўлган очик усулда қазиш ишлари келтириб чиқаради. Маълумки, тоғ саноатида 75 % дан ортиқ маҳсулотлар очик усулда олинади. Бунда худуднинг ўсимлик ва тупроқ қопламларининг гидрологик ва гидрокимевий режимлари бузилади. Оғир металлар ва заҳарли бирикмаларга бой ётқизиқлар сув манбаларни ифлослантиради ва шу билан худуднинг бошқа жойларини қўшимча бузади. Тоғ кон ишлаб чиқаришида ер юзасига дам-бадам ўсимликларни ўсишига кам яроқли бўлган тупроқлар ёки ҳатто заҳарли жинслар чиқариб ташланади. Чиқариб ташланган жинсларга албатта юқори нордон муҳит хос бўлади ва ҳам кимёвий, ҳам физиковий муҳит хоссалари бўйича саноати ривожланмаган ҳудудлардан жуда юкори фарқланади. Шунинг учун очиб ташланган тупроқ жинсларни мелиорацияси, минерал ўғитлар солиши ва илдиз тарқалган қатламларини гомогенезациялашни назарда тутади. Фойдали қазилмаларни ер остидан қазиб чиқариш ландшафтнинг бузилишига олиб келади, оқибатда вақт ўтиши билан чўкиш ҳодисалари авж олади, ҳудуднинг гидрологик режими ва рельефи ўзгаради. Шахталарнинг йўлдоши терриконлар ҳисобланади, уларнинг ювилиши ва чангланишлари атроф-муҳит тупроқлари ва сувлари ҳоссаларини ёмонлаштиради. Минерал хом ашёларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ва электростанциясининг қаттиқ чиқиндилари майдонларни бузади. Тупроқ қатламлари сифатининг бузилиши нефть қазиб олишда ҳам содир бўлади. Тупроқнинг ифлосланиши ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашиши хом нефть ва нефть сувларидан ҳам содир бўлади, шунингдек ифлослантирувчи нарсалар бурғулаш эритмалари ҳамда нефть жойлари билан боғлиқ газ оқимлари ҳам бўлиб, тупроқни углеводородлар, сероводородлар, углерод оксидлари, олтингугурт, азотлар билан бойитиб тупроқ ҳавосини ўзгартиришлари мумкин. Чуқур қатламлар орасидаги

сувлар эриган тузлар билан түйиниб, тупроқларни шу жойларида шұрланишини содир этади.

Тупроқни ишлаб чиқаришга бевосита алоқадор бўлмаган йўқолишлари йўл қурилишларида, электр тармоқларини ўтказишида, саноат ва фуқаро қурилишларида ҳам кузатилади.

Рекультивация бузилган ландшафтларни мақбуллаштириш ва тиклаш тадбирлари тизимлари, тоғ-кон ишларида бузилган ерларнинг рекультивацияси услубий тарзда яхшироқ ишлаб чиқилган. Уни уч босқичда ўтказиш тавсия этилади:

- Тайёргарлик қилиш босқичи. Бу босқичда бузилган ерларда тадқиқот ишлари ва кузатишлар ўтказилади. Рекультивациянинг йўналишлари аниқланади. Техник-иқтисодий асослаш хужжатлари ва рекультивация лойиҳалар тузилади

- Тоғ-техникавий рекультивация босқичи. Регионал шароитлардан келиб чиқиб иккинчи босқич ўз ичига кимёвий мелиорациялашни олиши мумкин. Тоғ-техникавий рекультивацияни фойдали қазилмаларни ишлаб чиқариш олиб борувчи корхоналар бажаради

- Биологик рекультивация. Бу босқичдаги ишлар тоғ-техникавий рекультивация жараёнида тайёрланган ерларнинг унумдорлигини тиклашга, оширишга ва уларни тўлақонли ўрмон ёки қишлоқ хўжалик ерларига айлантиришга қаратилган.

Биологик рекультивациянинг йўналиши ва услублари худуднинг географик ўрни, унинг иқлими, физикавий ва хўжалик-иқтисодий алоҳида ҳоссаларига боғлиқ равишда фарқланади. Рекультивацияланган ерларни ўзлаштиришнинг энг арzon, кам ҳаражат тури, бу шу майдонларни дарахтзорлаштириш, ўрмонлаштириш ҳисобланади. Чиқинди қатламларнинг юқори қатламлари ҳоссаларини яхшилаш учун уларда органик моддалар ва азотни тўплаш, дарахtlар экилишидан олдин кўп йиллик ўтлар, беда экиб, кейинчалик ҳайдаб ташлаш керак. Дарахtlар кўчатларидан ўтқазилади, чуқурча ёки ариқчалари заҳарли бўлмаган жинслар ёки тупроқлар билан тўлдирилади. Унумдор тупроқлар ва заҳарсиз жинслар тарқалган худудларда қишлоқ хўжалик рекультивацияси ўтказилади. У бир қанча босқичдан иборат: оҳаклаш, 60 см чуқурликкача юмшатиш, ўғитлар солиши, ўт-дуккаклиларни қўшиб экиш. Шундан кейин 40-50% ни кўп йиллик ўтлар ташкил этган маҳsus алмашлаб экиш киритилади. Бундай алмашлаб экишдан сўнг яъни рекультивациялашдан кейин ерларга миңтақал, дала ёки ем-хашаклар алмашлаб экилиши мумкин.

### **2.3.Техногенез маҳсулотлар билан ифлосланган тупроқлар.**

Ҳозирги индустрисал саноат фаолиятида биосферага маҳсулотларнинг чиқиндиларини чиқариб туриш кузатилади. Тупроқ юзасига қаттиқ чиқиндилар билан атроф-мухитни ифлослантирувчи, тупроқни мелиоратив ҳолатини ёмонлаштирувчи моддалар тушади. Улар орасида энг хавфлилари - симоб, қўрғошин, кадмий, мишяк, хром, селен, фтор ва бошқалар ҳисобланади. Тупроқларни оғир металлар билан ифлосланиш манбалари ҳар хил бўлади. Уларнинг кўпроқ ифлосланишига сабаб - қазилма ёқилғилар: кўмир, нефт, ёнувчи сланецлар ёнганда содир бўлади. Маълумки, ҳозирги вақтгача ўртacha 130 млрд.тонна кўмир ва 40 млрд. тонна нефт қазиб олинган ва фойдаланилган, уларнинг чиқинди ва куллари билан тупроқ юзасига миллионлаб тонна металлар келиб қўшилган ва аксарият кўп қисми тупроқнинг юқори қатламларида тўпланган. (Ковда, Розанов, 1988). Инсон фаолияти тупроққа қўрғошин ва кадмий тушишини кўпайтиради. Тупроқни қўрғошин билан ифлосланишининг асосий манбай автомобильлардан чиқиб турадиган ёнган газ ҳисобланади. Оғир металлар тупроққа ўғитлар ва пестицидлар билан ҳам тушади. Уларнинг кўпгина бирикмалари тупроқнинг юқори гумусли қатламларида тўпланади. Оғир металларнинг тупроқ юзасида ифлослантириш манбаларининг тарқалиши умуман ифлослантирувчи манбаларнинг ҳоссалари ва ҳарактерига, регионнинг метеореологик хусусиятларига, жумладан шамолнинг тезлиги ва йўналишига, рельефга ва ландшафт ҳолатларига боғлиқ. Тупроқдан металлар биологик доиравий айланишга жалб қилинади. Озиқланиш занжирлари орқали узатилиб, инсон ва ҳайвонларда қатор касалликлар келтириб чиқаради. Юқори концентрацияда ўсимликларга ўта кучли таъсир кўрсатади. Тупроқнинг биологик фаоллигини пасайтиради, унинг унумдорлиги эса мутаносиб равишда камаяди.

Металларни техноген тарқалишининг бир текис эмаслиги табиий ландшафтларда унинг мелиоратив ҳолатларининг бир хил эмаслиги туфайли салбий ифодасини топади. Шуларга боғлиқ равишида техногенез маҳсулотлари билан ифлосланиши мумкин бўлган ҳудудларни башорат қилиш учун ва ёмон оқибатларнинг олдини олиш учун тупроқ қатламларини генетик хусусиятларини турли табиий ландшафтлар ва геокимёвий шароитларни ҳисобга олиш зарур.

Техногенез маҳсулотлари ўзларининг табиатига, ландшафт ҳолатларига, тупроқ ҳоссаларига боғлиқ равишида йигилган жойларда заҳарлилигини йўқотиши мумкин. Табиий жараёнларда қайта ишланиб, сақланиб қолишлари, тўпланиб тирик организмларга хатарли таъсир этишлари ҳам мумкин.

Автоном ландшафтларда техноген ифлосланишдан ўз-ўзидан тозаланиш жараёнлари ривожланиб боради. Чунки бу ерларда ифлосланиш маҳсулотлари ер усти ва тупроқ сувлари билан тарқалиб кетади. Аккумулятив ландшафтларда техногенез маҳсулотлари консервация бўладилар ва тўпланадилар. Масалан, симоб, қўрошин, кадмий қумоқ таркибли тупроқларнинг гумус - аккумулятивли горизонтларининг юқориги сантиметрларида яхши сорбцияланади.

Уларнинг тупроқ профилида ҳаракати ва тупроқ профилидан ташқарига чиқишилари жуда кам. Лекин, енгил механик таркибли нордон ва кам гумусли тупроқларда бу элементларнинг миграция жараёнлари кучаяди. Оғир металларнинг тупроқдаги тирик организмларга биргаликда таъсири янада ҳалокатлироқдир. Турли тип тупроқларда уларнинг мелиоратив ҳолатига боғлиқ ҳолда оғир металларнинг заҳарлилиги турлича бўлади. Масалан, кадмий мелиоратив ҳолати ноқулай, маданийлашмаган тупроқларда  $5 \text{ Mg}/\text{kg}$  миқдори ҳалокатли таъсир этади. Маданийлашган тупроқларида эса  $50 \text{ Mg}/\text{kg}$  дан ҳалокатли таъсири бошланади.

Техногенез маҳсулотларидан техноген ифлосланган тупроқлар мелиорацияси, энг аввало регионлардаги тупроқ қатламларининг генетик хусусиятларига хос равишда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш принципларига ва ишлаб чиқариш технологиясини мукаммаллаш-тиришга асосланган. Шундай қилиб, ҳимоя қилувчи тадбирлар мажмуаси ва оғир металлар билан ифлосланишни йўқотишга қаратилган тадбирлар тупроқни ифлосланишдан ҳимоялашни таъминлайди, уларнинг биологик фаоллигини оширади, унумдорликни мўтадиллаштиради, ерларнинг мелиоратив ҳолатларини яхшилайди.

Тупроқ дегумификация жараёни тупроқнинг ҳолатларига унинг гумус ҳолатига катта таъсир кўрсатади. Қўриқ ва бўз ерлар ҳайдалганда табиийки, дегумификация жараёни содир бўлади. Органик моддаларнинг миқдори ва заҳиралари камаяди. Бу жараён гумус миқдори ва заҳираларининг 30-40% камайишига олиб келади ва кейинчалик кам миқдорда 30-50 йил мобайнида тикланади. Гумус заҳираларининг энг қўп камайиши биринчи 5-10 йил ичида содир бўлади. Кейинчалик тупроқда фойдаланишда гумуснинг йўқолиш суръати тўхтайди. Дегумификация жараёни эрозиянинг ривожланиши, шўрланиши, зичланиши натижасида қуриб кетиб чўлланиши ҳолатларида тикланмайди.

Тупроқда гумуснинг аста-секин ортиб боришига органик ўғитларни қўллаш, ишқорий тупроқларни гипслаш, алмашлаб экишда қўп йиллик ўтларни қўллаш, дон ва илдиз мевали экинларнинг нисбатини тартибга

солиш, сув ва ҳаво режимларини мукаммаллаштириш ва бошқаришда ёрдам кўрсатади. Олимларнинг таъкидлашича, органик ўғитларнинг нисбатини яратиш учун тупроққа ҳар йили гектарига камида ўртacha 8-12 т органик ўғитлар солиш керак бўлади. Табиийки, бунда тупроқ ҳоссаларини ва органик ўғитлар сифатини ҳисобга олинади. Шундай қилингандан тупроқдаги гумус микдори ва захиралари унинг тузилмаси барқарорлашади ва тикланади, сув физик ҳоссалари яхшиланади.

Органик моддаларнинг тўпланишига яна ҳар хил дон ва бошқа ўсимлик қолдиқларининг тупроққа аралаштириб ҳайдаш ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Минерал ва органик ўғитларни бирга қўшиб ишлатиш тупроқ унумдорлигини, ўсимликлар ҳосили ва сифатини ошишга қулай имконият яратади.

Гумус ҳолатини сақлашнинг муҳим омили тупроққа меъёрида ишлов беришdir. Айрим худудларда тупроқ-иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ағдармасдан ҳайдашдан фойдаланиш мумкин. Бунда гумусни тўплаш ва сақлашга имкон яратилади. Буларнинг барчаси юқори илмий асосланган дехқончилик маданияти, технологик машиналар вазнини енгиллаштириш, ишлов беришнинг сонини камайтириш, тупроқ катламларини қатъий сақланиши, охир-оқибатда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилайди, тупроқ унумдорлигини оширади.

### **Назорат саволлари:**

1. Тупроқ муҳофазаси деганда нимани тушунасиз?
2. Дегумификация деганда нимани тушунасиз?
3. Дегумификация жараёни нимага олиб келади?
4. Техноген тупроқлар деганда нимани тушунасиз?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. H. Blanco, R. Lal, *Principles of Soil Conservation and Management* 24-25 бет).
2. Roy E. Olson From Soil Behavior Fundamentals to Innovations in Geotechnical Engineering merican Society of Civil Engineers USA, 2014

## **3-мавзу: Сугориладиган ва лалми ерларнинг экологик-мелиоратив холати ва уларни баҳолаш.**

### **Режа:**

- 3.1. Сугориладиган ва лалми ерларнинг тақсимланиши

**3.2 Лалми ва сугориладиган тупроқларда сув эрозияси ва уларни географик тарқалиши, майдони ва эрозияланган тупроқларнинг хосса хусусиятлари.**

### **3.1.Суғориладиган ерлар:**

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар сугориладиган ерлар жумласига киради.

Қишлоқ ва сув хўжалиги органлари суғориладиган ери бўлган ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни суғориш ишлари учун манбаларнинг серсувлигини ҳисобга олган ҳолда жорий этилган лимитлар бўйича сув тўғрисидаги қонун хужжатлари билан белгиланадиган тартибда сув билан таъминлашлари шарт.

Суғориладиган ерлар маҳсус муҳофаза қилиниши лозим.

#### **Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар:**

Кадастр баҳоланишига кўра ўртача туман бонитет баллидан 20 фоиздан кўп бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар жумласига киради. Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар маҳсус муҳофаза қилиниши лозим ва уларнинг суғорилмайдиган ерлар жумласига ўtkазилишига йўл қўйилмайди.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларини корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун беришга алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан йўл қўйилади.

Экин ерларга қишлоқ хўжалик экинлари экилиб, узлуксиз фойдаланиладиган барча хайдалма ерлар киради. Экин ерлари икки турга: суғориладиган ва лалми ерларга бўлинади.


Республика бўйича 2016 йил 1 январ ҳолатига экин ерлар жами **4040,8 минг** гектарни шу жумладан, суғориладиган экин ерларнинг умумий ер майдони **3284,5 минг** гектар ёки қишлоқ хўжалик ер турларининг **12,8 фоизини**, лалми экин ерларнинг умумий майдони **756,3 минг** гектарни ёки қишлоқ хўжалик ер турларининг **3,0 фоизини** ташкил этади. Суғориладиган экин ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича 2011-2016 йиллар давомида ўзгариши 3.1.1-жадвалда ва 3.1.2-расмда кўрсатилган.

**Суғориладиган экин ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси,  
Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича ўзгариши  
(минг га ҳисобида)**

Т/р	Республика, шаҳар ва вилоятларнинг номи	Тегишли йилларнинг 1 январ ҳолатига ер майдонлари						нишбатан фарқи
		2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	
1	Қорақалпоғистон Республикаси	423,6	423,6	423,6	423,4	417,0	418,1	1,1
2	Андижон	203,8	203,8	203,5	203,3	202,7	203	0,3
3	Бухоро	200,6	200,6	200,6	200,7	200,8	200,8	0
4	Жиззах	264,5	263,9	263,7	262,6	262,1	261,4	-0,7
5	Қашқадарё	424,1	421,8	421,7	421,2	420,4	420,5	0,1
6	Навоий	91,0	91,0	91,0	91	90,7	91,1	0,4
7	Наманган	198,2	197,9	197,7	196,2	194,5	193,1	-1,4
8	Самарқанд	253,9	253,7	253,7	252,7	252,8	251,9	-0,9
9	Сурхондарё	241,7	241,6	241,5	241,2	241,0	240,9	-0,1
10	Сирдарё	251,4	250,9	250,4	250,4	250,3	249,8	-0,5
11	Тошкент	305,1	303,6	303,4	302,1	301,7	299,5	-2,2
12	Фарғона	249,3	249,2	248,8	248	247,8	247,7	-0,1
13	Хоразм	205,4	205,4	205,4	205,3	206,0	206,3	0,3
14	Тошкент ш.	0,5	0,3	0,2	0,4	0,4	0,4	0
	<b>Жами:</b>	<b>3313,1</b>	<b>3307,3</b>	<b>3305,2</b>	<b>3298,5</b>	<b>3288,2</b>	<b>3284,5</b>	<b>-3,7</b>

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, аксарият вилоятларда суғориладиган экин ер майдонлари камайган. Бу асосан жойларда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер ажратиш ҳамда хуқумат қарорлари, дастурлари асосида янги (интенсив) боғлар ва узумзорлар барпо қилиш ҳисобига камайган.

## Минг га



*3.1.2-расм. Республика бўйича сугориладиган экин ер майдонларининг ўзгариши*

### Лалми ерлар:

Лалмикор ерларда қишлоқ хўжалик экинларини ўстириш фақат тупроқ қатламларидаги ёғинлар ҳисобига йифилган намлик эвазига етиширилишини ҳисобга олиб, йиллик ёғин миқдори ўртacha 200 мм дан ошадиган ерлардагина лалмикор экинлар жойлаштирилади.

Лалмикор ерлар тупроқ минтақаларининг жойлашишига мос равища намлик билан таъминланган, кам таъминланган ва таъминланмаган ерларга бўлинади.

Жигарранг ва қорамтири бўз тупроқ баланд минтақада жойлашган бўлиб, намлик билан таъминланган, типик бўз тупроқ ўрта минтақада тоғ олди зоналарига тарқалган ва намлик билан кам таъминланган ва оч тусли бўз тупроқлар қуий минтақада намлик билан таъминланмаган лалмикор ерлар ҳисобланади.


Лалми экин ер майдонларининг Республика вилоятлари бўйича тақсимланиши жадвал, расмларда кўрсатилган.

### 3.1.2-жадвал

#### **Республика вилоятлари бўйича лалми экин ер майдонларининг тақсимланиши (минг га ҳисобида)**

T/p	Вилоятларнинг номи	Жами лалми экин ерлар майдони
-----	--------------------	-------------------------------

1	Жиззах	220,6
2	Қашқадарё	258,7
3	Навоий	19,8
4	Самарқанд	183,1
5	Сурхондарё	39,9
6	Тошкент	34,2
<b>Жами:</b>		<b>756,3</b>



*3.1.3-расм. Умумий ер майдонига нисбатан лалмикор экин ер майдонларининг (фоиз ҳисобида) тақсимланиши.*

### **Кўп йиллик дараҳтзорлар**

Республика бўйича боғлар, узумзорлар, тутзорлар ҳамда бошқа кўп йиллик мевали кўчатзорларнинг 2016 йил 1 январ ҳолатига жами ер майдони **380,8 минг** гектарни, шу жумладан сугориладигани **362,4 минг** гектарни ёки сугориладиган қишлоқ хўжалик ерлари таркибида кўп йиллик дараҳтзорларнинг ер майдони **9,7 фоизни** ташкил қиласди.

Шунингдек, сугориладиган кўп йиллик дараҳтзорларнинг энг юқори солиштирма ҳажми Самарқанд вилоятида (16,7 фоиз), Фарғона (13,0 фоиз), Тошкент (12,9 фоиз), Наманган (11,1 фоиз), Андижон (7,8 фоиз) вилоятларига, энг ками Қорақалпоғистон Республикаси (2,2 фоиз) ва Сирдарё вилояти (1,9 фоиз)га тўғри келади. Кўп йиллик дараҳтзорлар

ер майдонларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича тақсимланиши расмда ва жадвалда кўрсатилган.

Минг.га



3.1.4-расм. Қарақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича кўп йиллик дараҳтзорлар ер майдонларининг салмоғи, минг. га ҳисобида.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, кўп йиллик дараҳтзорлар таркибида боғлар энг катта салмоқни ташкил этиб **57,3** фоизни, узумзорлар **24,9** фоизни, тутзорлар **16,2** фоизни ва мевали кўчатзор ва бошқа дараҳтзорлар **1,6** фоизни ташкил қиласди.

Кўп йиллик лалмикор дараҳтзорлар Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида намлик билан таъминланган лалми ерларда жойлашган.

Лалми ерларга ва маҳсус тайёрланган терассаларга жойлашган кўп йиллик дараҳтзорларнинг ер майдони **18,4 минг** гектар бўлиб, улардан боғлар **13,1 минг**, узумзорлар **4,5 минг** ва бошқа мевали дараҳтзорлар **0,8 минг** гектарни ташкил қиласди. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига биноан мамлакатимизда мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланиб, натижада 2011-2016 йилларда кўп йиллик дараҳтзорлар **29,9 минг** гектарга кўпайди.

Қарақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича кўп йиллик дараҳтзорлар ер майдонларининг 2011 йил 1 январ ҳолатига нисбатан ўзгариши 1.2.1.2.2-жадвал ва 1.2.1.2.2 - 1.2.1.2.3-расмларда кўрсатилган.

## **Бўз ерлар**

Бўз ерлар таркибига самарасиз фойдаланиш натижасида суғориш қоидаларининг бузилиши ва тупроқ-мелиоратив ҳолатининг ёмонлашиши, эрозия тъсири, кучли шўрланиши, гипсланиши ҳамда янги ўзлаштирилган ерлар ҳолатининг ёмонлашиши оқибатида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши (оборот) дан чиқиб қолган суғориладиган ва лалми экин ерлар киради. 2016 йил 1 январ ҳолатига бўз ерларнинг умумий ер майдони **80,0 минг** гектар бўлиб, шундан суғориладиган зонада **46,9 минг** ва лалмикор зонада **33,1 минг** гектарни ташкил қиласди.

### **3.2.Лалми ва суғориладиган тупроқларда сув эрозияси ва уларни географик тарқалиши, майдони ва эрозияланган тупроқларнинг хосса хусусиятлари.**

Ўзбекистонда сув эрозияси асосан тоғ жигарранг, бўз (оч тусли, типик ва тўқ тусли) тупроқлар минтақасининг лалмикор дехкончилик қилинадиган туманларида, тоғли вилоятларда кўпроқ тарқалган. Лалмикор дехкончилик туманлари ёғингарчилик кам бўладиган (оч тусли бўз тупроқлар), ёғингарчилик ярим етарли (типик бўз тупроқлар) ва ёғингарчилик етарли (тўқ тусли бўз ва карбонатли жигарранг тупроқлар) минтақаларга бўлинади. Шулардан лалмикор дехкончилик қилинадиган майдонларнинг 71 фоизи ёғингарчилик етарсиз ва ёғингарчилик ярим етарли ва нихоят 29 фоизи майдон ёғингарчилик етарли лалми майдонларга тўғри келади.(Махсудов,1995). Унинг асосий майдонлари Қашқадарё, Жиззах, Самарканд вилоятларида жойлашган бўлиб, Тошкент, Сурхандарё ва Сирдарёда кичик майдонларни ташкил этади. Ҳозирги вактда Ўзбекистоннинг лалмикор минтақаларида дехкончилик қилинадиган майдонлар асосан тоғ, тоғ олди худудларида тарқалган бўлиб, майдони бир миллион га якин гектарни ташкил қиласди. Тошкент вилояти, Бўстонлик, Қибрай, Юқори Чирчик, Ўрта Чирчик, Бўка, Охангарон, Зарафшонсой минтақаси, Зомин, Галлаорол, Бахмал, Булунғур, Пайарик, Қашқадарё вилояти Китоб,Чирокчи, Шахрисабз, Камаши, Гузор, Косон, Дехқонбод, туманларидаги 534,4 минг га лалмикор худудларида тупроқ пайдо килувчи жинслар лёсс ва лёссимон тўқ тусли бўз тупроқлардан иборат. Кам жойларда лалми карбонатли жигарранг тупроқлари учрайди. Зарбдор-Зомин худудидаги Нурота, Фориш туманларида 200,4 мингга. Типик ва тўқ тусли бўз тупроқ, кам холда оч тусли бўз тупроқлар тарқалган. Қашқадарё, Сурхандарё вилоятлари Гузор, Камиши туманларининг маълум кисми, Бойсун,Сариосиё, Денов туманлари ва Фарғона водийсида 240,8 типик ва тўқ тусли бўз тупроқлардан иборат лалмикор дехқончилик ерлари мавжуд.

Республика бўйича лалми майдонларнинг 740,8 минг гектари сув эрозиясига даражада чалинган.(3.2.1-жадвал).(Махсудов,2013).

	Вилоятлар	Майдони (га)
1	Жиззах	217,9
2	Қашқадарё	250,8
3	Навоий	20,4
4	Самарканд	183,4
5	Сурхандарё	39,1
6	Тошкент	35,2
7	Республика бўйича	746,8

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек қор эриши ва жала ёмғирлар ёғиши натижасида ер бетида чукурчалар хосил бўлади. Эрозион жараёнлар таъсирида тупроқ емирилади ва «йиғилиб тўпланган» тупроқларнинг типчаси хосил бўлади. Бу тупроқлар бир катор хоссалари билан оддий(эрозияланмаган) тупроқлардан фарқланади. Эрозияланган тупроқнинг ўзига хос белгиси шундан иборатки, яъни унда оддий тупроқдагига караганда гумус ва озука моддалар кам, карбонат ва гипс тузлари юқори қатлаMга кутарилади. Бу ўзгаришлар эрозияланган бўз тупроқларда ёрқин намоён бўлади. Эрозия таъсирида тупроқнинг морфологик белгилари, хайдалма қаватининг ранги, механик таркиби ўзгаради, гумусли қатлам қалинлиги ( $A+B_1+B_2$ ) камаяди. Қумли жисм аралашмалари кўпаяди. Тупроқнинг механик таркиби енгиллашади, сувга чидамли донадорлик сифати ёмонлашади, зичлиги ошади, умумий ғоваклиги пасаяди. Булар хаммаси тупроқнинг сув ўтказувчанигини, тупроқнинг дала сифими ёмонлашишига ва тупроқ унумдорлигини пасайишига олиб келади, юқорида шарх этилган маълумотларни тасдиқловчи маълумотларни қўйида келтирамиз.

Кучли фарқланган рельеф ва унга боғлиқ хар хил экспозициялар кескин баланд-пастликлар, тупроқ ўсимлик коплами Фарбий Қурама тоғ ёнбағирларида ўзига хос шароитни юзага келтиради. Бу худудда вертикал зоналик аниқ кўринади, бунга бир томондан иқлим ва ўсимлик копламини баландликларга қўтарилиган сари ўзгариши, иккинчи томондан рельефни шаклланиш шароити ўз таъсирини кўрсатган .А.З.Генусов, Б.В.Горбунов,Н.Б.Кимберг (1960) ва А.З. Генусовлар 1983) ларни тупроқ иқлим буйича районлаштиришига мувофиқ тадқиқотлар олиб борилаётган объект тупроқларни Чирчик-Ангрен округига қарайди.

Тупроқ хоссаларига эрозия жараённинг таъсирини ўрганиш мақсадида бўз тупроқнинг лалми тўқ тусли хамда сугориладиган типик бўз тупроқларнинг хилларига 35 та тупроқ кесмалари солинади. Кесмалар лалми тўқ тусли бўз ва сугориладиган типик бўз тупроқларда турли қиялик элементлари ва текслерлардаги ўт-ўланлар билан копланганлиги, хамда тупроқ типчаларининг рельеф элементлари ва қиялик экспозицияси билан боғлиқлик чегарасида танланади.

Тоғли худудларда тупроқ копламининг структураси анча мураккаб ва рельеф тавсифи, киялик экспозицияси, тупроқ хосил килувчи жинсларнинг таркиби албатта- ўсимлик копламлари билан чамбарчас боғлиқ. Қияликни шимол ва ғарбий экспозициялари жануб ва шарқ экспозицияларига караганда кучсиз иссийди. Шунинг учун бу ерларда тупроқ намлиги анча юқори эканлиги; ўсимлик копламининг ривожланганлиги билан ажралиб туради ва бу ўз навбатида тупроқ таркибига таъсир этади. Қуйида лалми ва сугориладиган бўз тупроқларда кечадиган сув эрозиясининг тупроқнинг хоссаларига таъсири тўғрисидаги маълумотларни келтирамиз.

Ўзбекистоннинг лалмикор дехкончилик олиб бориладиган зонасидаги сув эрозияси масалалари Л.Т.Земляницкий (1973), М.Б.Дошанов, Р.Муратова (1953), В.С.Камаев (1954), Ф.А.Ревуцкий (1960), Х.М.Махсудов (1963,1968,1989,1995), А.Моторный (1973), К.Усманов(1973),К.Хасанов (1976), А.Равшанов (1978), Х.М.Махсудов К.Усманов(1984), А.Адилов (1990), Дересса Аббера (1991), Л.А.Гафурова (1995), С.Рустамов, Х.М.Махсудов (2002,2004,2005), С.Рустамов(2005), А.Ханазаров, Л.А.Гафурова, Х.М.Махсудов (2007), Н.Б.Раупова, Х.М.Махсудов (2010,2011,2012,2013,2014 ва бошкалар.) ўргангандар ва илмий мақолаларида ёритганлар.

Тошкент вилоятининг донли экинлар билан банд бўлган лалми ерларида юза сув эрозияси Бўстонлик, Паркент, Юқоричирчик, Ўрта Чирчик, Бўка, Охангарон туманлари тўқ тусли бўз ва тоғ жигарранг тупроқларида кенг таркалган.

Бунда эрозиянинг асосий кўринишларидан бўлган тупроқнинг юзасини ювилиши яъни атмосферадан ёгадиган ёмғирни-кучли характеристида ёгиши келтириб чикарган. Юза сув эрозиясини келтириб чикарувчи асосий омил- баланд-паст тўлқинсимон рельеф тик ёнбагирлар ва баҳорда кучли ёмғир кўринишидаги ёғингарчиликнинг жадал юза оқими хисобланади.

Тупроқ сув эрозияси генезиси, асосан,инсоннинг нотўғри хужалик фаолияти билан боғлиқ бўлиб, у эрозиянинг табиий омиллар билан бирга шаклланиб боради. Булар жумласига ёғингарчиликнинг йил фасллари буйича хажмининг ва характеристининг ўзгариб туриши (баҳорда ёмғирлар жала «ливен» шаклида бўлиши),қияликнинг узунлиги,шакли уларнинг экспозицияси, в.х.к.з. киради. Бу омилларнинг таъсири натижасида қияликларда тупроқ унумдорлигининг кескин дифференцияланиши хосил бўлган.

Қуйида бўз тупроқнинг морфологик қўрсаткичларига эрозиянинг таъсирини белгиловчи маълумотларни келтирамиз. Тупроқнинг, морфологик белгилари тупроқ шаклланиши натижасида юзага келган. Тупроқ типлари,типчалари, алохида хусусиятлари ва тупроқнинг эрозияланиш даражасини аниклашда морфологик қўрсаткичлари мухим диагностик ахамиятга эга.

Биз, эрозияга учраган лалми бўз тупроқларнинг морфологик кўрсаткичларни ўрганиш учун маршрутли экспедиция тадқиқотлари давомида тупроқ-геоморфологик профиллар буйича ва қияликларнинг энг типик (Юқори сувайирғич, ўрта ва пастки) қисмларида, чукурлиги 1,5-2,0 метр бўлган тупроқ кесмалари қазидик ва уларнинг морфологик хусусиятларини ёзма қайд этиб бордик. Тупроқнинг эрозияланиш даражасини аниклаш мақсадида асосий этиборини тупроқ профилининг асосий морфологик кўрсаткичларини ўрганишга қаратдик, жумладан ; гумусли (генетик) қатламининг қалинлигига, хайдалган қатламнинг рангига , механик таркибига , карбонатли ва гипсли янги хосилаларига ва бошқаларга ахамият бердик. Тупроқнинг эрозияланиш даражасини (смытостъ, намытостъ) Х.М.Махсудов (1984,1989) номенклатураси (классификацияси) буйича аникладик.

Маълумки, Узбекистонда асосий лалми дехкончиликда тўқ тусли бўз тупроқлар тоғ ён багрининг энг юқори кисмида тарқалган бўлиб, тупроқ иклими ва хўжалик шароити етарли бўлганлиги туфайли, лалми дехкончиликда-донли экинларни етишириш кафолатланади.

Лекин бу шароитни иккинчи салбий томони, шундан иборатки баҳорда қиялик ерларни қишлоқ хўжалик экинлари экилган даврида, ер усти ўсимликлари билан етарли даражада қопламаганлиги сабабли, атмосферадан ёқсан кучли ёмғир томчилари ер устидаги агрегатларни парчалаб-лойкага айлантиради, лойқа ўз йўлида тупроқдаги майда капилляр найлар йулини беркитиш тупроқдан сув ўтказувчанликни сусайтиради, натижада қияликда кучли сув оқимлари пайдо бўлади. Юза сув эрозияси тупроқни юқори унумдор-гумусга бой қатлами емира бошлайди, нихоят қияликдаги лойкаланган оқимини бир қисми қияликнинг пастки текис қисмига ўтира бошлайди, қолган қисми даладан чикиб кетади. Хозирги вақтда лалмикор дехкончилик қилинадиган қиялик ерлар юза сув эрозияси кенг тарқалган бўлиб, республика худудида заар кўрадиган экин майдонлари 746,8 минг гектарни жумладан Тошкент вилоятида 35 минг гектар майдонда тарқалган. Бу жараён натижасида тупроқнинг морфогенетик, агрохимик, физик, сув ва бошка хассалари ёмонлашади, пировардида тупроқ унумдорлиги пасаяди, лалми ерлардаги донли экинларнинг хосилдорлиги, дон сифати ва атроф мухитни экологик холати ёмонлашади. Биз Ғарбий Қурама тоғ олди худудларидаги изланишларимизда юза сув эрозияси учраган лалми тўқ тусли бўз тупроқларнинг морфогенетик хусусиятларининг қияликларнинг хар хил элементига солинган тупроқ кесмаларидаи (1,2,3,4,5,6) марфологик кўрсаткичлари билан баҳолашимиз мумкин.

Кейинроқ эрозияланиш буйича лалми тўқ тусли бўз тупроқларни морфологик ёзилмалари берилган ва уларни кўрсаткичлари 3.1.2- жадвалда келтирилган, жадвалда келтирилган маълумотлар шуни таъкидлаш лозимки, эрозияланмаган тупроқда гумусланган қатлам қалинлиги 72 см, ўртача эрозияланганда 54 см, бунда юқори қатлам анча узгарган, яъни В қатлам юқорига кутарилган. Шуни хам таъкидлаш керакки карбонатларни

кўзанакли шаклда юқори чегараси эрозияланмаган тупроқларда тупроқларда 72-110 см дан кузатилади, кучли эрозияланган (анғиз) тупроқдарда 38 см, айрим киялиги катта бўлган жанубий экспозициядаги кучли эрозияланган тупроқларда, карбонатлар ер бетида учраши мумкин. Бизнинг маълумотларимизга кўра эрозия натижасида қияликни пастки текис қисмида «Йифиб тўпланган» тупроқларда гумусли аккумулятив қатлам карбонатларнинг максимум чегараси 110-130 см ташкил этади, албатта карбонатлар чукур ювилиб тўпланади. (Х.М.Махсудов Н.Б.Раупова, 2006,2010).

Шудай килиб, рельефнинг хар хил элементларида тупроқ, эрозияга учраган ва уни морфогенетик белгилари буйича бир хил эмаслигини кўрсатади.

Натижада хар хил даражада эрозияланган тупроқлар кесмаси тузилишида уз аксини топган; яъни гумусланган ( $A+B_1+B_2$ ) қатлам калинлиги, тупроқ рангида, структурасида янги яралмалар карбонат конкрециялари (ок кўзанакли) ва ок могорли- доғли тўпланиш чуқурлиги чегаралари аниқ кўринади ва тупроқ унумдорлигини баҳолашда (балл бонитет) имкон берди ва эрозияга хавфли ерларни ажратишда ва хариталашда фойдаланилади.

**Лалми тўқ тусли бўз тупроқнинг морфологик кўрсаткичларга сув эрозиясини таъсири. (Тошкент вилояти  
Охангарон тумани)**

**3.2.2-жадвал**

Кесманинг тартиб номери, қиялиқдаги жойи, эрозияланш даражаси	Қиялик даражаси ва экспози цияси, <sup>0</sup> да	Гумуслан- ган (A+B <sub>1</sub> +B <sub>2</sub> ) қатлам калинли- ги, см	Янги яралмаларнинг юқори кўриниш чегараси, см		(SO <sub>4</sub> )-гипснинг тўпланиш чегараси, см.	(A)- хайдалма қатлам ранги.
			Ок моғор ва доғ кўринишида	Йирик кўзанакли кўринишида		
К-1 қияликни юқори, сувайирғич текис кисми-эрозияланмаган тупроқ	1-2°	72	19-27	72-110	150 смдан чукуррокда	Тўқ бўз рангда
К-2 қияликнинг ўрта кисми, ўртача эрозияланган тупроқ	7-8°	54	Ок моғор ва туганакли, йирик кўзанакли шаклдаги янги яралмалар профилни 30 смдан бошланиб 54-85 см чукурликларда кузатилади.	150 смдан чукуррокда	бўз рангли	
К-3 қияликни 3-чи кисми, кучли эрозияланган тупроқ (анғиз, залежь)	8-9°	38	Янги яралмалар кўзга кўринмайди,(анализлар натижасига асосланади)	150 смдан чукуррокда	бўз рангли	

Тупроқнинг механик таркиби тупроқнинг бошқа ҳамма хоссаларига (кимёвий, агрокимёвий, физикавий ва бошқалар) аҳамиятли даражада таъсир этади. Майда заррачали ва коллоид фракцияларга катта аҳамият берсак, кўпчилик олимлар (А.Н.Розанов 1951, П.Н.Беседин 1954, А.Ф.Тюлин 1958 ва бошқалар) таъкидлашича, тупроқ унумдорлиги ундаги лойқа фракциялар миқдорига тўғридан тўғри боғлиқ. ( М.М.Тошқўзиев 1989, Х.М.Махсудов, 1996, Л.А.Гафурова 2005), тўқ тусли бўз тупроқларда гумус захирасини (57-79%) юқорида кўрсатилган фракцияларда бўлади.

Тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, қияликларнинг ҳар хил қисмida лалми тупроқларнинг механик таркиби бир хил эмас, тупроқнинг механик таркиби тупроқ ҳосил килувчи жинсга ва эрозияланиш даражасига боғлиқ.

Маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, реълефи текис ерларда сув эрозиясининг таъсири бўлмаган майдонларда тупроқнинг механик таркиби ўзгармаган.

Қиялик кескин бўлган эрозияланган тупроқларда физик лой миқдори кескин камайиши кузатилса, эрозия натижасида «йиғилиб тўпланган» тупроқларда эса аксинча ортган. Буларнинг ҳаммаси оқим-сув эрозиясига учраган лалми тупроқларнинг механик таркиби келтирилган маълумотларда аниқ кўринади. Лёсс ва лёссимон ётқизиқларда шаклланган лалми тўқ тусли бўз тупроқларнинг механик таркибида физик лой миқдори эрозия таъсирида ўзгарган. Масалан, эрозияланмаган тўқ тусли бўз тупроқларда ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларида физик лой миқдори 51,9 ва 47,6% ўрта эрозияланган тупрокда эрозияланган лалми тўқ тусли бўз тупроқлар механик таркибидаги ил ва майда чанг фракциялар ювилиши ҳисобига физик лой миқдори камайди, тупроқ механик таркиби енгиллашган.

Бундан ташқари, эрозияланган тупроқларнинг юқори қатлами дисперс заррачалар билан бойитилмаганлиги эрозияланмаган тупроқ қатлами билан солиштирилганда яққол кузатилади. Бу шуни билдирадики, эрозияланган тупроқларда тупроқ ҳосил бўлиш жараёни ўзига хос тавсифга эга ва эрозияланмаган тупроқлардаги нормал тупроқ ҳосил бўлиш жараёнидан фарқланади.

Эрозия натижасида «ювилиб тўпланган» тупроқларнинг механик таркибига эрозия жараёни янада кучлироқ таъсир этган, тупроқ кесимини анча чуқур қатламларига қадар механик таркибини оғирлашганлиги кузатилади. Яна шу нарса аниқландики, эрозия натижасида «ювилиб тўпланган» тупроқларда физик лой ва ил миқдори эрозияланган тупроқларга нисбатан 8-10% кўп йиғилган.

**Лалми типик ва тўқ тусли бўз тупроқларнинг механик таркибига ва эрозия жараёнларининг таъсири.**

**3.2.1-жадвал**

Фракциялар ўлчами, мм									
Кесма раками	Чуқурлик см	> 0,25	0,25-0,1	0,1-0,05	0,05-0,01	0,01-0,005	0,005-0,001	< 0,001	Физ. лой, %
<b>Типик бўз тупроқ қумоқли лалми, эллювий, деллювий ётқизиқларда шаклланган</b>									
Сув айирғич ювилмаган тупроқ.	0-22	0,1	0,4	10,5	48,2	11,6	12,7	16,5	40,8
	22-44	0,1	0,1	6,5	57,8	4,1	15,3	16,1	35,5
	44-68	0,1	0,5	10,6	60,4	2,8	11,8	13,8	28,4
	68-95	0,2	0,8	1,3	63,4	8,8	13,4	12,1	34,4
	95-120	0,1	0,1	4,3	59,8	8,2	13,6	13,9	35,7
Лалми, кучсиз ювилган шим экс	0-22	3,0	0,1	17,5	44,2	9,3	11,6	14,3	35,2
	22-35	2,0	0,1	7,30	51,0	5,2	17,7	16,7	39,6
	35-57	2,0	0,2	2,8	54,4	7,2	18,4	15,0	40,6
	57-85	3,0	0,1	2,7	48,6	14,9	13,5	17,2	45,6
Қияликнинг ўрта қисми Ўртача ювилган тупроқ,	0-22	0,1	0,4	0,6	62,2	10,2	13,4	13,1	36,7
	22-38	0,1	0,3	0,8	57,7	9,7	15,4	16,0	41,1
	38-60	0,1	0,1	3,2	56,5	9,9	13,7	16,5	40,1
	60-86	0,1	0,1	7,6	57,4	5,5	17,4	11,9	34,8
	86-120	0,2	0,2	35,3	29,9	9,7	11,1	13,6	34,4
Қияликнинг қўйи қисми ювилиб тўпланган тупроқ	0-8	1,5	0,2	10,5	41,3	6,5	9,6	10,4	46,5
	8-18	1,5	0,2	3,8	50,3	4,9	24,3	15,0	44,2
	18-30	4,0	0,5	4,9	46,6	11,2	18,3	14,5	44,0
	30-52	2,0	0,1	3,6	48,7	5,0	26,0	14,6	45,6
	52-73	3,0	0,1	15,3	37,5	10,3	16,4	17,6	44,3

Давоми

Түк тусли бўз тупроқлар қумоқли, соз									
Сув айирғич ювилмаган тупроқ. К-4	0-24	0,5	1,0	1,5	54,7	14,8	13,6	13,9	42,3
	24-47	0,5	1,0	1,3	53,3	11,5	20,2	12,2	43,9
	47-76	0,3	1,0	3,3	52,2	12,0	16,8	14,4	43,2
	76-120	0,1	0,1	29,8	29,1	7,4	14,8	18,7	40,9
	120-150	0,1	0,4	1,9	46,0	11,6	21,2	18,8	51,6
Қияликнинг юқори қисми кучсиз ювилган К-5	0-17	2,0	3,0	3,2	50,7	17,1	12,9	11,1	41,1
	17-36	0,5	1,5	1,7	54,3	10,8	18,7	13,0	42,5
	36-63	0,2	0,8	10,7	45,7	9,2	19,1	14,3	42,6
	63-91	0,1	0,4	0,9	58,2	6,5	17,8	16,1	40,4
	91-150	0,1	0,4	7,8	54,8	4,8	14,9	17,2	36,9
Қияликнинг ўрта қисми Ўртacha ювилган тупроқ К-6	0-12	1,0	3,0	4,3	57,5	8,6	18,3	7,3	34,2
	12-40	0,5	1,0	8,6	51,2	7,7	19,1	11,9	38,7
	40-72	0,2	0,8	2,9	53,9	7,9	20,3	14,0	42,2
	72-105	0,5	1,5	5,7	53,3	9,4	16,9	12,7	39,0
	105-150	0,1	0,4	3,3	52,2	8,0	16,4	19,6	44,6
Қияликнинг қуий қисми ювилиб тўпланган тупроқ К-7	0-20	0,8	0,2	13,0	51,8	9,8	11,8	12,6	34,2
	20-42	0,3	0,2	12,1	54,1	10,5	10,4	12,0	32,9
	42-72	2,0	0,1	8,4	54,9	7,7	14,7	12,2	34,6
	72-110	2,0	0,5	16,0	42,4	9,5	13,0	16,6	39,1
	110-150	2,5	0,5	14,1	48,5	4,7	13,8	15,9	34,4

Шундай қилиб, 3.2.1- жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики қияликни лалми тупроқларида эрозия таъсирида тупроқ таркибида кескин ўзгаришлар кечади; механик таркибини енгиллашиши, ил ва майда чанг фракцияларини камайши, йирик фракциялар билан бойиш; эрозия натижасида «ювилиб тўпланган» тупроқлар механик таркибининг оғирлашиши, пастки қатламларида ил ва қум фракцияларининг ортиши каби жараёнлар кузатилади. Сув эрозияси таъсирида тўқ тусли бўз тупроқларда механик таркибининг ўзгариш конуниятлари, лалми типик бўз тупроқларда ҳам кузатилган эрозия таъсирида бу ўзгаришлар ҳаммаси тупроқнинг кимёвий ва агрокимёвий хоссаларига ҳам таъсир этади.

Тупроқнинг юқори, унумдор қатламларни эрозияланишида унинг кимёвий ва агрокимёвий хоссаларида ҳам бир канча ўзгаришлар содир бўлади. Сув айирғичдаги ва кенг тўлқинли текисликлардаги эрозияланмаган тупроқ-ларга нисбатан эрозияланган тупроқларда гумусли қатлам қисқа, гумус миқдори ҳам кам.

Эрозияланган тупроқларда гумус миқдорининг камайиши (гумин кислотаси) – бу эрозияланган тупроқларнинг эрозияга қарши чидамлигини пасайтирувчи омиллардан биридир. (Н.Ф.Ганжара, М.С.Кузнецов, 1996, Р.Тейт, 1980, Л.А.Гафурова, Н.Б.Раупова, 2004,2010 ва бошқалар).

Иzlанишларнинг кўрсатишича, (Х.М.Махсудов, 1994), Х.М.Махсудов, Л.А.Гафурова (2005), А.Ханазаров, Л.Гафурова, Х.Махсудов ва бошқ. (2007), эрозияланиш даражаси ошиши билан сингдирилган катионлар сифими ҳам пасаяди ва бу эса тупроқ профилининг куйи магний нисбати камайганлигини, гумус майда дисперс заррачаларнинг камайганлиги билан тавсифланади. Демак, эрозия жараёни тупроқнинг кимёвий ва агрокимёвий хоссаларини кескин ёмонлаштиради, бунда гумус миқдори, азот, фосфор, калийни миқдори камаяди. (3.1.3.-жадвал), эрозияланмаган тўқ тусли бўз тупроқларда ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларида гумус 1,49-1,25%, кучсиз эрозияланганда -1,33-1,12%, ўртacha эрозияланганда -1,17-1,00% ва лалми типик бўз тупроқларда –гумус миқдори тўқ тусли бўз тупроққа қараганда анча кам-1,10-0,92; 0,96-0,85; 0,80-0,68%.

Айниқса қияликнинг кескин ўзгарган қисмидаги ўртacha ва кучли эрозияланган тупроқлар гумусга жуда камбағал. Гумуснинг энг кўп миқдори эрозия натижасида «ювилиб тўпланган» тупроқларда кузатилади; ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламида 1,68-1,38%, пастки қатламларга ўтиб борган сари аста 1,06-0,95 ва 0,0 % гача камайиб боради.

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, (3.1.3.-жадвал) тупроқ кесимида гумусни тарқалиши бир хил эмас, эрозияланмаган тупроқларда гумус миқдори пастки қатламларга бир текис камайиб боради, эрозияланган тупроқларда деярли кескин, эрозия натижасида «йигилиб тўпланган» тупроқларда эса анча чуқур қатламларига бир равонда камайиб боради.

Демак, эрозияланмаган тўқ тусли бўз тупроқда гумус миқдори 76-120 см чуқурликда 0,61% гача камайса, ўртacha эрозияланганда ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатлам тагида бу миқдор-0,52%, эрозия натижасида «ювилиб тўпланган» тупроқда гумусни шу миқдорда (0,59%)130-170 см чуқурликда.

Тупроқларда умумий азот миқдори гумус миқдорига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Уни энг кўп миқдори тупроқнинг юқори гумусли қатламида тўпланади. Ҳар хил эрозияланган типик ва тўқ тусли бўз тупроқларда унинг миқдори кескин камайган.

Эрозияланган лалми тупроқларда гумус ва азотдан ташкари фосфор ва калий каби баъзи озиқа элементларнинг умумий шаклларини миқдори ҳам камаяди.

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, ҳаракатчан фосфор ва калий миқдори кучсиз эрозияланган тупроқларнинг ҳайдалма қатламида кўп эмас, лекин кучли эрозияланган тупроқларда уларнинг ҳаракатчан шакллари анча камайган. Бу фосфор ва калийга камбағал бўлган пастки қатламларнинг юқорига кўтарилиши билан тушунтирилади. Шундай қилиб, оқим сув эрозияси таъсирида тўқ тусли бўз тупроқнинг ҳайдалма қатламида умумий фосфор миқдори эрозияланмаган тупроқда 0,17% дан, эрозияланган тупроқларда 0,10 % гача камаяди.

Сув эрозиясини таъсири фосфор ва калий элементларини ҳаракатчан шаклларида яққол кўринади. Масалан, эрозияланмаган тўқ тусли бўз тупроқларни ҳайдалма қатламида ҳаракатчан фосфор миқдори 28,4 Mg/кг эрозияланганда ҳайдалма қатламда 10,4 Mg/кг, ва ҳайдалма қатлам остида 8,7 Mg/кг.

Ҳаракатчан фосфорни камайиши қийин эрувчи фосфор бирикмаларини ҳосил килувчи кальций карбонатни миқдорини эрозияланган тупроқларда ошиши билан боғлиқ. Бу эрозия даражасини ошиши билан қуий карбонатни кўп сақловчи қатламларнинг юқорига кўтарилиши билан тушунтирилади. Демак, эрозияланмаган тўқ тусли бўз тупроқларнинг юқори қатламида  $\text{CO}_2$  карбонат 2,01-3,46% бўлса, кучсиз эрозияланганда 3,30-5,48%, ўртacha эрозияланганда 6,42-7,54%. Умуман олганда, эрозия таъсирида ҳар хил даражада эрозияланган лалми бўз тупроқларда гипс ва карбонат янги яралмаларининг юқори чегараси анча кўтарилган.

Ушбу маълумотлар шуни таъкидлайдики, эрозияланмаган тупроқларга нисбатан эрозияланган тўқ тусли бўз тупроқларда  $\text{CO}_2$  карбонатлар миқдори юқори қатламлариданоқ намоён бўлади, эрозия натижасида «йифилиб тўпланган» тупроқларда карбонатлар тупроқнинг анча чуқур қатламларигача ювилиб тўпланган. Лалми тўқ тусли бўз тупроқларнинг ҳама худудида гипс янги яралмалари жойлашишига оқим-сув эрозиясини таъсири яққол кўринади. Эрозияланмаган тупроқларда гипс миқдори пастки қатламларига ортиб боради, лекин 0,088% дан ошмайди.

Ўртacha эрозияланган тупроқларда гипс миқдори тупроқ кесимини 100 см дан кескин кўтарилган бўлиб, 0,1% дан юқорини ташкил этади. Юқорида келтирилган маълумотлар каби ўртacha эрозияланган лалми типик ва тўқ тусли бўз тупроқ А ҳайдалма қатламидаги гумус 0,7-0,9%, умумий азот 0,07-0,08%, умумий фосфор 0,12-0,14%,  $\text{CO}_2$  карбонатли, тупроқ механик таркибида, <0,01 мм физик лой йифиндиси 33-37%, нам сифими 100 см қалинликда 18-20%, тупроқнинг 6 соатдан сўнгти сув ўтказувчанлиги 0,9-1,2 мм, тупроқ А ҳайдалма каватидаги зичлиги 1,4-1,5 г/см<sup>3</sup> ва тупроқ говаклиги

46-48%. тупроқ хоссаларидаги ноқулай ўзгаришлар тупроқни озуқа режимини ёмонлашишига олиб келганини кўрсатади. Бундай ҳол хўжалик экинларини ҳосили ва маҳсулот сифати пасайишига олиб келади. Ҳосилни камайиши ва сифатини ёмонлашуви тупроқни эрозияланиш даражасига боғлиқ. Бизни маълумотларимиз (Х.Махсудов (1989) бўйича кам эрозияланган тупроқларда ҳосилдорлик 10-20%, ўртacha эрозияланган 30-50%, кучли эрозияланган тупроқлардан 50% дан кўпроқ бўлган.

Шундай қилиб, юза сув эрозияси таъсирида ҳар хил даражада эрозияланган лалми бўз тупроқларнинг механик таркиби кескин ўзгарган, гумус, азот, фосфор, калий миқдори кам, физик сув ва бошқа хоссалари ёмонлашган, натижада қишлоқ хўжалиги экинларини ўсиши, ривожланишига ва изланишлар олиб борилаётган худуднинг экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатган.

Ирригация эрозияси, сув эрозиясининг бир тури хисобланади. Ирригация (Суғориш) эрозияси деб, қиялик ерларни суғорганда эгатларга тараалган сув тезлиги ошиши натижасида тупроқнинг устки унумдор майда заррачали қисмини оқизиб, емириб кетишига айтилади. Тупроқ билан бирга унинг таркибидаги барча макро озуқа моддалар ҳам ювилиб кетади. Натижада қиялик ерларда унумдорлиги ва бошқа хусусиятлари ҳар хил бўлган тупроқлар пайдо бўлади. Бундай ерларда экин ҳосилдорлиги ва сифати камайиб, айниқса пахта ва буғдой экини бундай холга анча таъсирчан. Суғориш эрозияси содир бўлишига экин экилган ер майдонларнинг нишаблиги, тупроқнинг донадорлиги, гумусли ҳолати эгатига тарқалган сув миқдори ва шу каби қатор омиллар сабаб бўлади.

Суғориш эрозияси асосан уч босқичда эгатларидан оқадиган сув миқдори ортиши билан оқиши тезлиги ортиб, тупроқ заррачаларини ювилиб кетади. Иккинчи босқичда эса тупроқ заррачалари лойқа ҳолда оқиб келаётган бошлайди ва бу заррачалар паст-текис жойларга утира бошлайди. Бу жарёнлар қиялик тупроғи унумдорлигига кучли таъсир килади.

Ўзбекистонда суғориб дехқончилик килинадиган қиялик ерларида ирригация эрозияси кенг тарқалган бўлиб, республикамида Суғориш эрозиясидан зарап кўрадиган экин майдонлари 6826 минг гектарни ташкил этади. Шундан Тошкент вилоятининг тоғ олди, адирли жойларидаги типик ва кам майдонларида тўқ тусли бўз тупроқларда 138,4 минг гектарига содир бўлган, тарқалган. Маълумотларга кўра суғориладиган майдонларнинг бир миллион гектаридан кўпроғи 2-5-7 ° паст-баланд рельефи ерлардан иборат. Бундай нишаб ерларни суғорганда эгатлардан оқадиган сувнинг тезлиги тобора ортиб, тупроқнинг устки унумдор қатлами ювилиб кетади. Тупроқнинг ювилиб кетганлиги эгатдаги сувнинг лойқаланиб оқишидан ва эгатлар тоғининг емирилиб катта-кичик чуқурчалар ҳосил бўлишидан билиш мумкин.(3.2.1-расм).

**Юза сув эрозиясининг лалми типик ва тўқ тусли бўз тупроқларнинг кимёвий ва агрокимёвий хоссаларига таъсири.**

3.2.3.-жадвал

№	Тупроқ номи ва кесма рақами	Чуқирлик, см	Гумус, %	Азот N, %	Ялпи, %		Харакатчан, кг/Mg		CO <sub>2</sub> -карбона тлар %	SO <sub>4</sub> гипс, %
					P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O		
Типик бўз тупроқ,										
1	Типик бўз тупроқ, ювилмаган қиялиги 1-2 <sup>0</sup>	0-22	0,97	0,080	0,200	1,69	8,60	152	6,85	-
		22-44	0,79	0,065	0,123	1,53	6,30	143,	6,70	-
		44-68	0,61	0,056	0,180	1,51	5,10	150	6,45	-
		68-95	0,52	0,047	0,166	1,46	3,25	136	7,48	0,150
		95-120	0,42	0,042	0,160	1,14	2,62	110	7,09	0,210
2	Типик бўз тупроқ кучсиз ювилган.	0-22	0,86	0,074	0,176	1,65	7,05	165	6,55	0,205
		22-38	0,71	0,065	0,255	1,60	5,43	150	6,60	0,234
		38-60	0,65	0,060	0,189	1,54	3,50	125	7,40	0,210
		60-86	0,56	0,060	0,169	1,52	2,65	123	7,36	0,332
		86-120	0,50	0,051	0,165	1,47	2,64	114	7,00	0,254
3	Типик бўз тупроқ ўртача ювилгвн	0-22	0,65	0,058	0,115	1,60	7,50	80	9,80	0,190
		22-35	0,60	0,045	0,175	1,55	6,50	110	8,75	0,150
		35-57	0,57	0,065	0,177	1,51	5,35	122	7,45	0,216
		57-85	0,42	0,040	0,155	1,05	4,64	113	7,70	4,805
		85-120	0,35	0,035	0,150	1,00	4,00	100	8,00	0,180
4	Типик бўз тупроқ ювилиб тўпланган.	0-8	1,30	0,086	0,250	1,82	8,60	255	3,90	0,250
		8-18	0,95	0,075	0,225	1,75	7,61	220	6,00	0,255
		18-30	0,86	0,071	0,182	1,36	6,50	195	7,5	0,319
		30-52	0,74	0,055	0,162	1,50	6,05	180	7,5	0,345
		52-73	0,65	0,050	0,165	1,20	4,28	216	8,10	0,362
		73-100	0,40	0,042	0,155	1,20	4,31	185	8,60	0,550

		110-145	0,38	0,035	0,160	1,21	4,08	110	8,10	0,500
		Түк тусли бўз тупроқ,								
5	Түк тусли бўз тупроқ	0-24	1,35	0,097	0,215	1,80	8,00	200	4,70	0,220
		24-47	1,05	0,065	0,225	1,75	6,60	186	5,10	0,240
		47-76	0,80	0,062	0,165	1,60	4,05	109	6,10	0,305
		76-120	0,65	0,055	0,140	1,80	5,10	-	7,15	-
		120-150	0,50	0,040	0,155	1,60	6,15	-	8,24	-
6	Түк тусли бўз тупроқ кучсиз ювилган 2-3 <sup>0</sup> .	0-17	0,91	0,088	0,206	2,03	6,53	120	6,04	0,288
		17-36	0,60	0,075	0,228	1,85	8,00	105	8,56	0,320
		36-63	0,55	0,055	0,360	1,80	5,33	140	9,10	0,425
		63-91	0,50	0,050	0,400	1,70	5,20	105	6,50	6,130
		91-112	0,40	0,049	0,418	1,45	4,05	98	9,40	6,215
		112-150	0,35	0,035	0,355	1,52	5,00	85	6,50	5,242
7	Түк тусли бўз тупроқ лалми ўртacha ювилган,	0-12	0,89	0,076	0,250	1,62	6,67	240	8,93	-
		12-40	0,55	0,056	0,125	1,63	4,0	172	9,81	-
		40-72	0,56	0,050	0,142	1,37	2,0	95	10,2	0,206
		72-105	0,47	0,056	0,142	1,0	-	-	10,3	0,257
		105-150	0,35	0,036	0,165	1,2	-	-	10,2	0,319
8	Түк тусли бўз тупроқ ювилиб тўпланган.	0-20	1,50	0,098	0,145	1,75	6,05	240	3,15	-
		20-42	1,15	0,086	0,200	1,65	5,65	195	5,42	-
		42-72	0,84	0,050	0,220	1,55	5,33	180	6,05	0,255
		72-110	0,53	0,075	0,240	1,48	5,00	170	5,66	0,295
		110-150	0,56	0,059	0,300	1,25	-	-	6,00	0,353

Культивация вақтида бу чуқурчаларни текислаб юбориш мумкин, аммо бу билан тупроқнинг унумдорлиги тикланмайди. Бунинг устига, навбатдаги суғоришда юқорида айтилган холат такрорланади. Ернинг қиялиги(нишаблиги) қанчалик тик бўлса, эгатларга қўйилган сув миқдори ортганда унинг оқими хам тезлашиб, тупроқнинг ювилиши кучаяди. Тупроқнинг кўп кам ювилиши экин майдоннинг киялигига, эгатдан оқаётган сувнинг миқдорига, оқим тезлигига боғлиқ бўлиб, хар бир суғоришда гектаридан 15-20 т дан 25-30 т гача бориши ва ундан ошиб кетиши мумкин. Тупроқ билан бирга унинг таркибидаги озиқ моддалар хам ювилиб кетганлигидан тупроқнинг унумдорлиги тобора камаяверади. Тадқиқот маълумотларига кўра хар бир гектардан ўртача 100т дан ортиқ тупроқ унинг таркибидаги 100-200 кг/ га азот ва 75-100 кг/га фосфор ювилиб йўқолади.(Х.М.Махсудов 1981,1989,1994,2010).

Нишабли майдондан ювилиб тушган лойқали тупроқ пастки текис жойда сув оқими секинлашган ерларда қисман эса экин майдонидан четта чиқиб кетиб, сув хавзвларини лойқа босишига сабаб бўлди.

Тупроқнинг юқори унумдор қатлами ювилиб кетган қиялик ерларда экиннинг ўсиши учун озуқа моддалар ва намлик етишмайди, бундай ерларда ғўзанинг гул, шона ва туганаклар тўкилиб кетиши натижасида хосил камаяди. Тўза турида қолган кўсаклар, гарчи барваҳ очилсада, пахта сифати паст бўлади.

Олинган маълумотлардан аён бўлишича эрозияга чалинмаган текис ерда гумусли қатлами 60-70 см, хайдалма қаватидаги гумус 1,2-1,5% бўлганида пахта хосили гектаридан 25-30 ц ни ташкил этган. Тола сифати 5,2 г чигитнинг 1000 дона оғирлиги 127 г бўлган. Ўртача эрозияланган, қияликларнинг ўрта кисми 3,5-5 ° нишаблиги тупроқнинг гумусли қатлами 30-40 см, хайдалма қатламидаги гумус 0,6-0,7 бўлган, шу ер бўлинмасида 16-20 ц/га хосил олинган. Тола сифати 4,7 г чигитнинг 1000 донаси оғирлиги 103,1 г кўрсаткичда бўлган. Қияликнинг пастки текис қисмида лойқа кўринишида ювилиб тўпланган тупроқларнинг , нам сифими яхши, ўсимлик учун етарли- кўп бундай шароитда ўза ғовлаб яхши ўсади-ю, аммо кўсакларнинг очилиши кечикади. Шу боисдан хосил совуқ тушганда кейин териб олинади. Етиштирилган пахтанинг сифати паст бўлади. Ирригация эрозияси туфайли республика бўйича хар йили 200 минг тоннадан кўп пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги махсулотларидан кам хосил олинади.

Суғориладиган типик бўз тупроқларнинг хосса-хусусиятларига ирригация эрозиясини таъсирини ўрганишда стационар (доимий кузатиш) олиб бориладиган майдонлар танланиб, геоморфологик профил бўйича хар хил даражадаги (2-8 °) қиялик бўйлаб тупроқ кесмалари солинди. Бунда уияликларни ўрта қисмида (7-8 °), ўртача эрозияланган тупроқлар ва қияликни пастки-текис (0,5-1°) қисмида “ювилиб тўпланган” тупроқларга ажратилди.

Тупроқ кесмаларини морфогенетик кўрсаткичларини ёзишда тупроқни эрозияланганлак даражасини аниқлашда куйидаги омиллар эътиборга

олинади; тупровни ранги , структурали (донадорлиги) гумусланган қатlam қалинлиги ( $A+B_1+B_2$ ) янги яралмаларни бошланиш чегараси ва бошқа күрсаткичлар. Мисол учун эрозияланмаган тупроқда қатlam қалинлиги 62 см, ўртача эрозияга чалинган тупроқда 45 см бўлиб, хайдаладиган қават  $B_1$  қатлами хисобидан ташкил бўлган қучайиши натижасида конкрецияли корбанатли ер юзасига кўтарилиган. Эрозияган чалинмаган тупроқларда оқ моғарли кўринишдаги карбонатлар кўриниш чегараси 19-20 см, конкрецияли карбонатлар тупроқ кесими 65 см да.

Шундай қилиб, ирригация эрозияси туфайли қияликнинг хар хил элементлардаги тупроқларнинг морфогенетик кўрсаткичлари бир хил эмас. Бу кўрсаткичлар тупроқ профилини умумий тузилишида, гумусланган  $A+B_1+B_2$  қатlam қалинлигига, донадорлиги (структурадаги), рангига, механик таркибда хамда карбонатларнинг оқ моғор ва конкреция кўринишидаги горизонтларини жойлашиши чуқурлигини бир хил эмаслигини таъкидлайди.

Бу кўрсаткичлар шуни таъкидлайдики инсон қишлоқ хўжалик экинларини жумладан ғўза, донли экинларни нотўғри суғориш қиялик ерларни нотўғри суғориб дехқончилик қилган майдонларни тупроқ унумдорлиги бўйича уч категорияли яъни 3 хил балл бонитетли бўлиб колади. Албатта бундай ерларни –эгалар фермерлар биринчи навбатда тупроқ унумдорлигини тиклаш, ошириш борасида- эрозияни олдини олиш, қарши кураш чора- тадбирлар қуллаш, қияликдаги эрозияланган тупроқларни ўғитлашда- органик ва минерал ўғитларни табақалаштириб қўллаш ва суғориш ишларини замонавий янги агротехнологик усулларда ёмғирлатиб, томчилатиб эгат оралатиб суғоришни такомиллаштириш керак.

Суғориладиган типик бўз тупроқнинг хосса-хусусиятларига ирригация эрозиясини таъсирини ўрганишда стационар (доимий кузатиш) олиб бориладиган майдонлар танланиб, геоморфологик профил бўйича ҳар хил даражадаги ( $2-5^0$ ) қиялик бўйлаб тупроқ кесмалари солинди. Бунда қияликни юқори текис кисми- сувайирғичда – эрозияга чалинмаган тупроқ қияликни биринчи бошланиш қисмида  $1,5-2^0$ , кучсиз эрозияланган ва қияликнинг ўрта қисмида ( $3-4,5^0$ ), ўртача ва кучли эрозияланган тупроқлар ва қияликни пастки-текис ( $0,5-1^0$ ) қисмида «ювилиб тўпланган» тупроқларга ажратилди.

Тупроқ кесмаларини морфогенетик кўрсаткичларини ёзишда тупроқни эрозияланганлик даражасини аниқлашда қуйидаги омиллар эътиборга олинди: тупроқни ранги, структураси гумусланган қатlam қалинлиги ( $A+B_1+B_2$ ), янги яралмаларни бошланиш чегараси ва бошқа кўрсаткичлари, масалан –эрозияланмаган тупроқда қатlam қалинлиги 62 см, кучсиз эрозияланган тупроқда 52 см, ўртача эрозияга чалинган тупроқда 39 см бўлиб, ҳайдалама қават  $B_1$  қатлами хисобидан ташкил бўлади, кучли эрозияга чалинган тупроқда 28 см, бунда  $A+B_1$  қатламлар ювилиб, хайдалган қават  $B_2$  қатлами хисобидан ташкил топган. шунинг учун эрозия жараёни қучайиши натижасида конкрецияли карбонатли ер юзасига кўтарилиган. Эрозияга чалинмаган тупроқларда оқ моғорли кўринишидаги карбонатлар кўриниш чегараси 16-20 см, конкрецияли карбонатлар тупроқ кесими 62

см.да, кучсиз эрозияга чалингандарда аниқланмайди кўзга кўринмайди, конкретацияли 52 см, ўртача 8-10 см, айрим холатларда ер юзасида кучлисида эса кўпинча конкретацияли карбонатлар ер юзида кузатилади.

Шундай килиб, ирригация эрозияси туфайли қияликнинг ҳар хил элементлардаги тупроқларнинг морфогенетик кўрсаткичлари бир хил эмас. Бу кўрсаткичлар тупроқ профилини умумий тузилишида, гумусланган A+B<sub>1</sub>+B<sub>2</sub> қатлам қалинлигида, структурадаги, рангida, механик таркибида ҳамда карбонатларнинг оқ мөгор ва конкреция кўринишидаги горизонтларни жойлашиши чуқурлигини бир хил эмаслигини таъкидлайди.

Суғориладиган типик бўз тупроқларнинг морфологик кўрсаткичларига ирригация эрозиясининг таъсири.

### 3.2.4.1-жадвал.

Кесма номери қияликдаги жойи, эrozияланниш даражаси	Қияликдаги даражаси ва экспозицияси, градусда	Гумуслашгани (A+B+B) қатлам қалинлиги, см	карбонатларни юқори кориниш чегараси, см		SO <sub>4</sub> -тўпланиш чегараси, см	А қатлами механик таркиби	А хайдал ма қатлами ранги
			Оқ моғорли ва доғ кўриниши да	Кўзанак шаклида			
Ғарбий Қурама тоғ олди, лессли ётқизикларда шаклланган типик бўз тупрок, тўлқинсимон паст-баланд рельфликларда таркалган (Охангарон тумани)							
К-9 қияликни юқори текис сув айригич кисми эрозияланмаган тупроқ	0,5-1° атрофида	65	16-20	65	2м.чукур лиқда	ўрта қумоқ	Бўз ранги
К-10 қияликни ўрта кисмида ўртача эрозияланган тупроқ	7-8°	45	20-45	20-45	2м чукур лиқда	ўрта қумоқ енгил қумоқ қа якин	оч-сурранг
К-11 қияликни пастки текис кисми, «ювилиб тўпланган» тупроқ.	0,5-1° атрофида	78-110	Кўринмайди	78-110	2 м чукурлиқда	оғир қумоқ	Тўқ бўз ранг

Бу кўрсаткичлар шуни таъкидлайдики, инсон қишлоқ хўжалик экинларини жумладан ғўза, донли экинларни нотўғри суғориш қиялик ерларни нотўғри суғориб дехкончилик килган майдонларни тупроқ унумдорлиги бўйича уч категорияли, яъни 3 хил балл бонитетли бўлиб қолади. Албатта бундай ерларни – эгалари фермерлар биринчи навбатда тупроқ унумдорлигини тиклаш, ошириш борасида- эрозияни олдини олиш, эрозияга қарши кўраш чора тадбирларини қўллаш, қияликдаги эрозияланган тупроқларни ўғитлашда-органик ва минерал ўғитларни табақалаштириб қўллаш ва суғориш ишларини замонавий янги агротехнологик усулларда ёмғирлатиб, томчилатиб, эгат оралатиб суғоришни такомиллаштириш керак.

Қияликнинг юқори текис сувайиргич қисмидаги эрозияланмаган тупроқни юқори қатлами оғир қумоқли, пастки қатламлари ўрта қумоқлидир. Қияликдаги эрозияланган тупроқларда кесманинг юқори қисмидан ўрта қумоқли, ювилиш жараёни канча қучли бўлса, тупроқни механик таркиби шу кадар енгиллашади. Бунга мисол тарикасида қияликдаги 13-14 кесмаларни юқори қатламларида физик лой миқдори 33-37% ни ташкил этганини кўрсатади. Эрозияланмаган, ўртача ва қучли эрозияланган тупроқнинг пастки қатламларида механик таркибида айтарли фарқ йўқ, яъни бу қатламларда физик лой миқдори 35-42% атрофида. Лекин бунда тупроқнинг юқори қатламларида эрозия конуниятлари таъсирини содир этганда, яъни эрозияланмаган тупроқда физик лой 45%, аксарият эрозияланган тупроқларда 37-42%, яъни оғир қумоқли тупроқ ўрта қумоққа айланган, асосан эрозия жараёнида тупроқдаги энг майда гумусга бой бўлган 0,001 мм дан кичикзаррачаларни ювилиб кетиши, бунда эрозияланмаган тупроқда майда заррачаларнинг миқдори 15,98% ни ташкил қиласа, эрозияланган тупроқларда 10-12%. Бу жараёнда ювилган лойқа майда заррачаларни ярми қияликнинг пастки текис қисмida чўкиб ўтириб қолади, натижада бу ерда эрозияланмаган тупроқка нисбатан, механик таркиби оғир бўлган «йигилиб тўпланган» тупроқ пайдо бўлди. (физик лой миқдори айрим қатламларида 50% дан кўп бўлган.) лойқани ярми ташландиқ сувлар билан ташқарига чиқиб кетади. Бу қонуниятни В.Б.Гуссак (1959) МДХ мамлакатларни кўпгина тупроқ типларида тасдиқлаган бўлса, бу қонуният Ўзбекистон бўз тупроқларида ҳам тасдиқланади.

Шундай қилиб, ирригация эрозияси таъсирида эрозияланган тупроқ-ларда майда заррачали «ил» ва майда чанг фракцияси камайиб, йирик чанг ва кум билан бойиган. Эрозияланмаган тупроқка нисбатан «йигилиб тўпланган» тупроқнинг пастки қатламларида майда заррачали «ил» ва қум миқдори тўпланган.

Ушбу жараёнлар шуни таъкидлайдики, эрозияланган тупроқларни механик таркиби ўзгарган. Айникса тупроқни қумли фракцияларни кўпайиб, тупроқ енгиллашган.

**Сүгориладиган типик бўз тупроқларнинг морфологик кўрсатгичларига ирригация эрозиясининг таъсири.**

**3.2.1.2- жадвал**

Кесма номери, қиялиқдаги жойи, эрозияланиш даражаси	Қияликда ги даражаси ва экспозиц ияси, градусда	Гумуслан- ган (A+B <sub>1</sub> +B <sub>2</sub> ) қатlam қалинлиги, см	Карбонатларни юқори кўриниш чегараси, см		SO <sub>4</sub> - тўпланиш чегараси, см	А ҳайдалма қатламни механик таркиби	А ҳайдалма қатламни ранги
			Оқ моғорли ва доғ кўриниши да	Кўзанак шаклида			
Фарбий Қурама тоғ олди, лёссли ётқизиқларда шаклланган типик бўз тупроқ, тўлқинсимон паст-баланд рельефликда тарқалган(А.Дадажонов ф\х)							
К-12 қияликни биринчи бошланиш қисмида, кучсиз эрозияланган тупроқ	1,5-2 <sup>0</sup>	52	кўринмайд и	52	2м чуқурликда	ўрта қумоқ	Бўз дала ранг
К-13, қияликни ўрта қисмида, ўртача эрозияланган тупроқ	3-3,5 <sup>0</sup>	39	8-10	39-68	2м чуқурликда	ўрта қумоқ енгил қумоқга яқин	оч сурранг
К-14, қияликни иккинчи ўрта қисмида, кучли эрозияланган тупроқ	4-4,5 <sup>0</sup>	28	Карбонатлар ер бетидан бошланади		2м чуқурликда	Енгил қумоқ	Сур дала ранг
К-15, қияликни пастки текис қисми, «ювилиб тўпланган» тупроқ	0,5-1 <sup>0</sup> атрофика	78-110	кўринмайд и	78-110	2м чуқурликда	оғир қумоқ	Тўқ бўз ранг

**Сугориладиган типик бўз тупроқларнинг эрозияланиш даражасига боғлиқ ҳолда механик таркибини ўзгариши. (Охангарон тумани, А.Дадажонов ф/х)**

**3.2.2- жадвал.**

Кесма раками, тупроқнинг эrozияланиш даражаси	Тупроқ номи, эрозияланиш даражаси	Чуқурлиги, см	Фракциялар, мм ва фракцияларни оғирлиги.%							
			>0,25	0,25-0,1	0,1-0,05	0,05-0,01	0,01-0,005	0,005-0,001	<0,001	Физик лоййигиндиси, %
K-12	Қияликнинг биринчи юқори кисми кучсиз эрозияланган тупроқ	0-28	1,28	0,54	5,19	49,71	14,47	14,43	14,88	43,78
		28-44	0,80	0,60	4,10	49,50	13,00	16,50	15,50	45,00
		44-62	0,81	0,44	6,37	50,78	12,22	16,30	13,08	41,60
		62-68	0,40	0,21	4,79	51,90	15,99	12,63	14,51	42,75
		86-110	0,50	0,35	3,15	54,21	19,32	11,36	11,86	41,89
K-13	Қияликнинг ўрта кисми, ўртача эрозияланган тупроқ	0-25	0,31	0,32	8,81	53,34	14,16	12,08	10,98	37,22
		25-39	0,65	0,31	5,00	56,56	13,90	11,94	11,44	37,22
		39-68	0,46	0,32	4,04	53,78	12,96	14,62	13,28	41,48
		68-105	0,25	0,31	3,12	53,52	12,36	14,98	10,63	42,80
		105-145	0,42	0,23	4,75	56,88	13,60	12,10	11,80	37,72
K-14	Қияликнинг ўрта иккинчи кисми, кучли эрозияланган тупроқ.	0-28	0,70	0,80	1,03	55,26	11,24	12,10	9,80	33,14
		28-50	0,44	0,35	8,19	56,08	11,16	11,22	12,65	35,04
		50-78	0,65	0,31	5,00	56,76	11,90	11,94	13,44	37-28
		78-125	0,57	0,68	9,84	55,20	10,96	12,12	10,63	33,71
		125-150	0,82	0,58	6,75	56,88	11,12	12,10	11,80	35,02
K-15	Қияли книнг	0-27	0,41	0,71	1,72	47,76	12,42	18,28	18,88	49,58
		27-45	0,51	0,23	2,02	46,16	11,52	18,04	21,88	51,44
		45-78	0,71	0,20	1,85	47,74	11,98	15,94	22,12	50,04

	пастки текис кисми «ювилиб тўпланган» тупроқ.	78-110	0,45	4,40	2,17	41,23	10,78	14,54	26,38	51,70
--	--	--------	------	------	------	-------	-------	-------	-------	-------

Жадвалда келтирилган маълумотларга назар солсак, эрозияга чалинмаган типик бўз тупроқни А ҳайдалма ва ҳайдалма ости каватидаги физик лой миқдори 44-46%, ўртача ва кучли эрозияланган қияликдаги тупроқларда 33-37% ни ташкил этади. Бу ўзгаришлар ўз навбатида эрозияланган тупроқларнинг кимёвий, агрокимёвий хоссаларига таъсир кўрсатади.

Эрозия жараёнлари натижасида тупроқнинг юқори унумдор қатламида унинг кимёвий ва агрокимёвий хосса-хусусиятлари ўзгарди. Эрозияланмаган сувайригичдаги тупроқка нисбатан қияликдаги эрозияланган тупроқларда гумусланган қатlam ва кам гумус миқдори билан тавсифланади.

Кўпгина тупроқшунос-эрозияшунос олимлар В.Б.Гуссак (1959), М.Н.Заславский (1966, 1979, 1973), В.Б.Гуссак, Х.М.Махсудов (1969), Х.М.Махсудов (1959,1963,1989,1994), С.Майлибаев (1969), Х.Х.Ҳамдамов (1975), М.С.Кузнецов (1981, 1996), К.Мирзажонов, (1981, 2004), К.И.Шадраимова (1993), С.М.Елюбаев (1994), Л.А.Гафурова (1995) Л.А.Гафурова, Х.М.Махсудов (1999, 2002, 2005, 2007), Ш.Нурматов (1999), Н.Б.Раупова (2000), Л.А.Гафурова, Н.Б.Раупова (2004), Г.С.Мирхайдарова (2002), Г.Абдалова (2003), А.Деконов (2007) ва бошқаларни маълумотларига кўра гумус заҳираси эрозияланиш даражасига қараб ўзгаришини таъкидлаганлар.

Эрозияланган тупроқларда гумус миқдори ва заҳираси ўзгарибина қолмай, унинг сифати- таркибидағи гумин кислотаси камайиб фульво кислота кўпайганлиги аниқланган. Н.Ф.Ганжара (1973), Л.И.Акентьевна (1975), Л.А.Гафурова, (1995) Н.Б.Раупова (2000), Л.А.Гафурова, Н.Б.Раупова (2004) ва бошқалар.

3.2.2- жадвалдаги маълумотга назар солсак, эрозияланмаган тупроқни юқори ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларида гумус миқдори 1,15-0,91%, пастки қатламларида 0,43-0,29% камаяди. Қияликдаги ўртача ва кучли эрозияланган тупроқларда гумусли қатламни эрозияланмаган тупроққа нисбатан 30-50% га камайганлиги ва гумус миқдорини ҳам шунга мўтансосиб ҳолда юқори қатламларида 0,62-0,78% ни ташкил этиб, пастки қатламларида кескинкамайган. (4.4.1-жадвал), қияликни пастки текис аккумулятив қисмида гумусли қатламни қалинлиги 78-110 см ва гумусни миқдори юқори қатламларда 1,33-1,56% пастки қатламларига гумус миқдорини секин камайиб бориб, 110-150 см қатламда гумус миқдори 0,59% ни ташкил этади. Озуқа моддалардан азот, гумус миқдорига боғлиқ ҳолда бўлиб, унинг энг кўп миқдори тупроқнинг юқори қатламларида 0,062-0,051 фоиз бўлиб пастки қатламларига 0,042дан 0,030 фоизга секин камайиб борди, кучсиз эрозияланган тупроқларда ҳам азот миқдори 0,058-0,042% ни ташкил этади.

Эрозиянинг сезиларли таъсири ўрта ва кучли эрозияланган тупроқларни юқори қатламларида 0,051-0,041% ни ташкил этиб пастки қатламларига кескин камайиб боради. Энг кўп азот тўпланган кесма - «ювилиб тўпланган» тупроқдадир. Бу тупроқни юқори қатламларида умумий азот миқдори 0,068-0,089% бўлса, кесмани 110-150 см чуқурлигига ҳам қияликни элементлари-даги тупроқларга нисбатан кўп -0,055% ни ташкил этишини кўрсатади. Юқорида таъкидлаганимиздек, фосфор миқдори ҳам азотга ўхшаш ҳолда эрозияланиш даражасига қараб ўзгариб бориши кузатилади. Умумий калийнинг миқдори қияликни ҳамма элементларида бир хил миқдорга яқин бўлиб, ўртacha 1,30-1,10 фоиз кузатилади. Қияликнинг пастки текис қисмида «йиғилиб тўпланган» тупроқда бу кўрсаткич эрозияланмаган ва эрозияланган тупроқларга нисбатан юқори қатламларда бироз кўпроқлиги-1,37-1,52% билан тавсифланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, умумий фосфор ва калийни миқдорига эрозияни таъсири унчалик сезиларли эмаслиги кузатилиши бу озиқа элементларини кам ҳаракатчанлиги, уларни эриши қийин шаклга енгилгини ўтиб олиши билан тавсифланади.

Иrrигацион ювилиш тупроқ профилидаги карбонатлар миқдорига кескин таъсир кўрсатиши характерлидир. Уларни максимум миқдорлари эрозияланган тупроқларни ер юзасига яқин, агар эрозияланмаган тупроқлар ҳайдалма қатламида  $\text{CO}_2$  карбонатли миқдори 6,12% бўлса, эрозияланган тупроқларда 8-9,0. эрозияланиш даражаси ошган сари бу кўрсаткичлар кескин ўзгариб боради. «Йиғилиб тўпланган» тупроқларда юқорида таъкидлаганимиздек ўзига хос кўрсаткичлар билан характерланиб,  $\text{CO}_2$  карбонатларни миқдори профил буйича 6-7% дан ошмайди, қияликни пастки текис булагига доимий ювилиб келадиган лойқа заррачаларни ўтиришнамикни сарф бўлиши,  $\text{CO}_2$  карбонатларни пастки чуқур қатламларига ювилиб шундай килиб шуни таъкидлаш лозимки, тупроқдаги гумус, азот, фосфор ва  $\text{CO}_2$  карбонатлар миқдори тупроқ профили чуқурлиги буйича узгариши ҳама тупроқ категориялари буйича ҳар хил бўлса, эрозияланмаган ва «йиғилиб тўпланган» тупроқларда аста секин, эрозияланганларда-кескин кузатилади. Тупроқдаги гумус ва азот озиқасини A ҳайдалма ва A+B<sub>1</sub>+B<sub>2</sub> қатламидаги захирасини хисоб-китобини (т/га) килганда эрозияланган ва эрозияланмаган тупроқларни янада кескин фарқларни кўрсатди. Эрозияланмаган тупроқни A ҳайдалма қатламида гумус захираси 27,04 т/га ташкил қиласа, ўртacha ва кучли эрозияланган тупроқда 19 ва 17 т/га.

Шундай килиб, ирригация эрозияси таъсирида эрозияланмаган тупроқка нисбатан эрозияланган тупроқда 44,6% гумус йўқотилган. Албаттa бу йўқотилган моддаларни бир қисми қияликнинг пастки текис ерида

«йиғилиб түпланган» тупроқдаги гумус ва азотни захираси A+B<sub>1</sub>+B<sub>2</sub> горизонтларида нисбатан эрозияланмаган тупроққа 1,5-2 марта ёки 134-170% га күплиги аникланди. Бу күрсаткічлар яна бир марта ирригация эрозияси тупроқдаги гумус, азот ва бошқа озуқа моддаларини камайишига олиб келишини күрсатади, бу күрсаткіч ўз навбатида пахта, бұғдой ҳосилдорлигини 10-30-50 фоизига камайтиради ва уларни сифатини ёмонлашишига олиб келади.

## **IV.АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1- амалий машғулот: Тупроқ тушунтирувчи ҳариталарини тузишда ва тупроқ диагностикасида халкаро тупроқшунослик классификация тизими тұғрисида**

Замонавий ГАТ технологиялар. ГАТ технологиялар асосида ҳариталар тузиш. ARGES, Понорама дастурлари асосида электрон ҳариталарни тушунтириш. Тупроқ тушунтирувчи ҳариталарини тузишда ва тупроқ диагностикасида халкаро тупроқшунослик классификация тизими тұғрисида маълумот берилади ва тахлил қилинади.

### **2- амалий машғулот. Тупроқ деградацияси ва мухофазаси мавзусини үқитишида педагогик технологияларни қўллашнинг ахамияти**

Эрозияланиш, шўрланиш, яйловлар дегрессияси, чўлланиш, гипсласишиш, ботқоқланиш ва бошка муаммолар, уларни келтириб чиқарувчи омиллар ва мухофаза қилиш масалалари бўйича кейс стади тузиш, турли педагогик технологиялар асосида тушунча берилади.

### **3-мавзу: Суғориладиган ва лалми ерларнинг хоссаларига оид жадвал маълумотлари асосида балл бонитетларини хисоблаш.**

Суғориладиган ва лалми ерларнинг агрофизик, агрокимёвий, биологик хоссалари, гумусли холати, гумус ва озиқ элементлар захираларини хисоблаш, улар асосида бонитет балларини хисобланади.

## V.КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1-КЕЙС.Тупроқ эррозияси ва унга қарши курашиш чораларини ўқитишида педагогик технологияларни ўрни кейс-технология.

**Вазият:** Хозирги кунда қишлоқ хўжалик мутахассислари зиммасидаги энг муҳим вазифа-бу тупроқ унумдорлигини сақлаш, уни йил сайин мунтазам ошириб боришдан иборат. Суғориладиган ерлар ва келгусида ўзлаштириладиган ерларнинг тупроқ қатлами мелиоратив шароитлари, сифат таркибининг тавсифи ҳамда ерларни иқтисодий жихатдан баҳолаш тадқиқ қилинган, уларнинг қишлоқ-хўжалигида фойдаланиш жараёнидаги ўзгариш хусусиятлари ёритилади. Эрозия жараёнларининг ривожланиш қонуниятлари, тупроқни эрозиядан муҳофаза қилишни ўрганиш ва олинган натижалардан амалда фойдаланиш, асосий тупроқ типларининг унумдорлигини ошириш ва ер майдонларидан оқилона фойдаланган холда қишлоқ хўжалик экинларидан, мўл ҳосил олишга имкон яратади. Тупроқни эрозиядан сақлаш муаммоси дунёнинг арид иқлими минтақасида жойлашган мамлакатлар учун шу жумладан Ўзбекистон худуди учун ҳам долзарб муаммодир.

**Муаммо:** Чунончи, республикада эрозияга учраган ер майдонлари 1772,3 минг гектарни ёки хайдаладиган ерлар умумий майдонининг 40 фоизини ташкил этади. Шулардан 721,9 минг гектари ирригация эрозиясига, салкам 50 минг гектари жарлик эрозиясига 700,4 минг гектари лалми эрозиясига ва 1,6 миллион гектаридан кўпроқ шамол эрозиясига дучор бўлган.

#### Берилган кейснинг мақсади:

Тингловчиларда тупроқни эррозиядан муҳофаза қилишни ўрганиш ва олинган натижалардан амалда фойдаланиш, асосий тупроқ типларининг унумдорлигини ошириш ва ер майдонларидан оқилона фойдаланган холда қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиш имконини яратиш билимларини шакллантириш.

#### Кутилаётган натижалар:

- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларини мустахкамлаш;
- муаммонинг фанда қабул қилинган ёнимнинг индивидуал ва гурӯхий таҳлилда билим ва кўникмаларни қайта топшириш;
- мантиқий фикрлашни ривожлантириш;
- мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш;
- ўкув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб кўриш.

## **Кейсни муваффақиятли бажариш учун тингловчилар қуидаги билимларни бажариши лозим:**

тупроқларни тарқалиш қонуниятлари;  
тупроқларнинг ҳосил бўлиш жараёнлари;  
тупроқларнинг морфологик белгилари;  
тупроқнинг механик ва кимё таркиби;  
тупроқнинг унумдорлик турлари;  
тупроқларнинг экологик холати;  
тупроқ эрозиясини келтириб чиқарувчи омиллар.

Мазкур кейс институционал тизимнинг реал фаолияти асосида ишлаб чиқилган.

### **Кейсда ишлатиладиган маълумотлар манбайи:**

“Ергеодезкадастр” қўмитаси “Тупроқ бонитировкаси” шўйбаси, 2013 йил 1январдан 31 декабргача бўлган фаолияти учун тайёрланган аудиторлик ҳисобот. H.Blanco., R.Lal. Principles of soil conservation and management/ 2008. Springer.

### **Кейснинг типологик хусусиятларига кўра тафсилоти:**

Мазкур кейс аудиторлик кейс тоифасига кириб, мустақил аудиториядан ташқари бажариладиган иш учун мўлжалланган. Ушбу кейс институт маълумотлари ва далиллари асосида ишлаб чиқилган. У тузилмавий кичи хажмдаги кейс ҳисобланади.

### **Сув эрозияси ва унга қарши кураш чоралари (1-вазият)**

Кучли сув оқими таъсиридаги емирилиш, ювилишга сув эрозияси дейилади.

Сув эрозиясини ривожига ерларни рельефига ва сув оқимига боғлиқ. Бизнинг маълумотларимизга кўра тупроқни емирилиш ювилишини бошланиши ернинг қиялиги  $1\text{-}2^0$  дан ошганда бошланади.

